

Антуан
де Сент-Экзюпери

КИЧКИНА
ШАҲЗОДА



Тошкент
Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

Русчадан

Хайриddин Султонов таржимаси

Бу китобчани катта ёшдаги одамга бағишилаганым учун болалардан кечирим сўрайман. Ўзимни оқлаш учун шуни айтишим мумкинки, бу катта ёшдаги одам менинг энг яхши дўстим бўлади. Бунинг устига, у дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто болаларга атаб чиқарилган китобчаларни ҳам тушунади. Ва, ниҳоят, у Францияда яшайди, у ерда ҳозир ҳаммаёқ совук, очарчилик, дўстим эса таскин-тасаллига бениҳоя мұхътож. Агар буларнинг барчаси ҳам мени оқлаёлмаса, у ҳолда китобчамни бир пайтлар мана шу катта ёшдаги дўстимнинг ўрнида бўлган кичкина болакайга бағишилайман. Ахир катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-боша ёш бола бўлганлар, фақат буни уларнинг озгинасигина билади, холос. Шундай қилиб, мана, мен бағишивога туздатиш киритаман:

Леон ВЕРТ га — бир пайтлар ёш бола
бўлган дўстимга бағишиланади.

Расмларни муаллиф чизган




Олти яшар пайтимда, осуда ўрмонлар ҳакида хикоя қилувчи «Бўлган воқеалар» деган китобда фалати бир суратга кўзим тушиб колди. Суратда баҳайбат бўғма илоннинг бир йиртқич хайвонни тириклай ютаётгани акс эттирилган эди. Мана ўша сурат:



Ижодим намунасини катталарга кўрсатиб, кўрқинчли эмасми, деб сўрадим.

— Шляпанинг нимаси кўрқинчли экан? — деб эътиroz билдиришди менга.

Аммо расмдаги нарса сирам шляпа эмас эди. Бу — филни тириклий ютиб юборган бўғма илон эди. Ўшанда, катталарга тушунарли бўлсин, деб, илоннинг ички кўринишини ҳам чиздим. Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак-да. Бу менинг 2-га ҳамма нарсани яхши томонга суралади. Мен китешни биряшади.



Катталар менга илонларнинг ичкию ташки кўринишини чизиш ўрнига жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳусниятни кўпроқ ўрганишни маслаҳат беришди. Ана шундан кейин, олти яшар пайтимда расомникнинг порлок истиқболидан воз кечишига мажбур бўлдим. 1-ва 2-ракамли расмларим муваффакиятсизликка учрагач, ўзимга нисбатан ишончимни ўқотдим. Катталар ҳеч качон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб хижжалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади.

Шундай қилиб, бошқа касб танлашимга тўғри келди-ю, учувчиликни ўрганиб олдим. Осмони фалак бўйлаб қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим. Очигини айтиш керак, жуғрофия менга жуда кўл келди. Бир қарашдаёқ Хитойни Аризона вилоятидан ажратадиган бўлдим. Кечаси самода адашиб кетсанг, бу бениҳоя аскотади-да.

Умрим давомида турли-туман жиддий одамларни учратдим. Катталар орасида узоқ вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳакидағи фикрим яхши томонга ўзгартмади.

Катталар орасида бошқалардан кўра ақлли ва фаросатлирок бирор кишини учратганимда унга 1-ракамли расмимни кўрсатардим — мен уни асраб қўйган эдим, доим ёнимда олиб юрардим. Бу одам чиндан ҳам бирор нимани тушунадими-йўқми, синааб кўрмокчи бўлардим. Уларнинг барчаси расмга караб туриб: «Шляпа-ку, бу», дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, дерди.

Мен жунглидаги саргузаштларга тўла ҳаёт ҳакида узоқ ҳаёл сурдим, сўнг рангли қалам билан умримда биринчи марта расм чиздим. Бу менинг 1-ракамли расмим эди. Мана, мен чизган нарса:

Мен шу тариқа ёлғизлиқда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўқ эди... Олти йил муқаддам самолётимнинг мотори бузилиб, Сахрои Кабирга кўнишга мажбур бўлдим. Ёнимда на механик, на биронта ҳамроҳ бор эди. Қанчалик қийин бўлмасин, самолётни амаллаб бир ўзим тузатишга аҳд қилдим. Ё моторни тузатаман, ё ҳалок бўламан. Бир хафтага базур етадиган сув колган.


Шундай қилиб, биринчи кечани хувиллаб ётган сахрода, кум устига узала тушиб ўтказдим. Минглаб чакирим нарида ҳам тирик жон асари сезилмасди. Қемаси ҳалокатга учраб, бепоён океанда сол узра сузиб бораётган одам ҳам менчалик ёлғиз бўлмагандир. Шу боис, тонг сахарда мени кимнингдир ингичка овози ўйғотиб юборганди, нақадар ҳайратга тушганимни тасаввур ҳам киломасангиз керак.

— Илтимос... менга қўзичоқ чизиб бер! — деган қўнғироқдек товуш янгради ёнгинамда.

— А?..

— Менга қўзичоқ чизиб бер...

Тепамдан гўё яшин ургандек, сапчиб ўрнимдан турдим. Апилтапил кўзларимни ишқалаб, атрофга алангладим. Карасам — рўпарамда аллақандай ғаройиб бир болакай менга жиддий тикилиб турибди. Мана, унинг энг яхши сурати, мен уни кейин чизишга мувваффақ бўлдим:



Албатта, бу расмда у аслидагидек яхши чиқмаган. Начора, бунга мен айбор эмасман. Олти яшар пайтимда катталар, сендан рассом чиқмайди, деб роса миямга қуишишгани учун мен бўғма илонларнинг ички ва ташки кўринишидан бошқа нарсани чизишни ўргана олмадим.

Шундай қилиб десангиз, кўзларимни катта-катта очганча бу ғаройиб болакайга қараб турардим. Одамзод маконидан минглаб чакирим олисдаги яйдоқ биёбонда эканим ёдингиздан чиқмагандир. Шуниси ғалатики, бу боланинг афт-ангорига қараб, адашиб қолган ёки нихоятда ҳориб-чарчаган, қўрқувдан юраги ёрилиб, очлик ва ташналиқдан ўлар ҳолга етган, деб бўлмасди. Кимсасиз сахрода, инсон қадами тегмаган чўлу биёбонда дафъатан пайдо бўлиб қолган бу боланинг кўринишидан бундай фикрларни ҳаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди. Ниҳоят, менга яна тил ато бўлиб, аста сўрадим:

— Лекин... сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

У тагин оҳисталик билан ва ғоят жиддий оҳангда:

— Илтимос... қўзичоқ чизиб бер... — деди.

Буларнинг барчаси шу қадар сирли, англаб бўлмас бир тарзда рўй бераётган эдик, рад қилишга журъатим етмади. Жазира маҳалла қўйнида, ҳаётим қил устида турган бир паллада қанчалик бемаъни кўринмасин, чўнтагимдан қофоз-қалам олдиму, лекин шу заҳоти ўзимнинг асосан жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснинатни ўрганганим лоп этиб эсимга тушди-да, болакайга қараб (ҳатто бир оз аччиқланиб) расм чизишни билмаслигимни айтдим. Бу гапимга у:

— Бари бир қўзичоқ чизиб бер,— деб жавоб қилди.

Мен умримда қўзичоқ расмини чизиб кўрмаганим учун, ўзим билган ўша эски иккита суратдан бирини — бўғма илоннинг ташки кўринишини чизиб кўрсатдим.

Аммо болакай расмни кўриб:


— Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта. Менинг уйимдаги нарсаларнинг ҳаммаси кичкина. Менга қўзичоқ керак, қўзичоқ чизиб бер,— деб хитоб қилганида нихоятда ҳайрон қолдим-да, шу расмни чизиб бердим.



У расмни синчиклаб кўздан кечиргач:

— Йўқ, бу қўзичоқ жудаям ориқ-ку,— деди.— Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа қўзичоқ расмини чиздим.




Янги дўстим хушфеъллик билан мулойим жилмайиб кўйди.

— Бу кўзичок эмас-ку,— деди у.— Ўзинг ҳам кўриб турибсан-а, кўчкор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен кўзичоқни тағин бошкатдан чиздим. Бироқ бу расм ҳам унга маъқул бўлмади:



— Э, бу ўлгудай қари-ку. Менга узок яшайдиган кўзичоқ керак. Энди сабр-тоқатим тугади. Ахир, тезроқ моторни тузатиш керак эди-да! Шунинг учун апил-тапил мана шу нарсани чизиб ташладим.



Кейин болага қараб:

— Мана сенга қутича. Кўзичоғинг шунинг ичиди ётибди,— дедим.

Шунда мени буткул лол колдириб, бу талабчан ҳакам гул-гул яшнаб кетди:

— Менга худди шунақаси керак эди-да! У кўп ўт ермикан, нима дейсан-а?

— Нима эди?

— Ахир менинг ўйимда унчалик серобгарчилик эмас-да.

— Унга кўп нарса керак эмас. Мен сенга жудаям кичкина бир кўзичоқ бераман.

— У жудаям кичкина эмас...— деди у бошини эгиб, расмга термиларкан.— Кара! У ухлаб колди...


Мен Кичкина шаҳзода билан шу тариқа танишдим.

III

Унинг қаердан пайдо бўлганини ҳадеганда билиб ололмадим. Кичкина шаҳзода мени саволларга кўмиб ташлар, аммо ўзидан бирор нимани сўрасам, эшитмаганга олар эди. Фақат, анчадан кейин, гап орасида тасодифан айтиб колган баъзи сўzlаридан унинг сирли таш-

рифи бирмунча ойдинлаши. Масалан, самолётимни биринчи марта кўрганида (самолёт расмини чизиб ўтирамайман, негаки, буни бари бир эплайлмайман), у шундай деб сўради:

— Бу қанақа нарса?



— Бу нарса эмас, самолёт. Менинг самолётим, у учади.

Кейин унга, осмони фалакда учиш кўлимдан келишини фахрланиб айтдим. Шунда у:

— Э, шошма! Сен ҳали осмондан кулаб тушдингми?— дея хотоб қилиб қолди.

— Ха,— дедим камтарлик билан.

— Ана холос! Қизиқ-ку!..

Кичкина шаҳзода шундай деб кўнғироқдек товуш билан кулиб юборди. Буни кўриб пича аччиғим чиқди: ахир мен, бошимга кулфат тушганда, одамлар бунга жиддий муносабатда бўлишларини ёқтираман-да. Бир оздан кейин у.

— Демак, сен ҳам осмондан тушиб келибсан-да,— деди.— Хўш, қайси сайёрадан келдинг?

«Э, бу кимсасиз саҳрова тўсатдан қаердан пайдо бўлиб қолди, десам, гап бўёқда экан-да!» деб ўйладим, ўзимча ва дабдурустдан:


— Бундан чиқдики, сен бу ерга бошка сайёрадан тушиб келибсан-да?— деб сўрадим.

Бироқ у саволимга жавоб бермади. Самолётимни кўздан кечираркан, аста бош чайқади:

— Хе, бунинг билан узокдан учиб келолмайсан, кўриниб турибди...

Сўнг нима ҳақдадир хийла ўйланиб қолди. Кейин чўнтағидан мен чизиб берган бояги кўзичоқни олиб, уни гўё қимматбаҳо хазина-дек томоша қилишга кириши.

«Бошқа сайёralар» хусусидаги бу чала-ярим эътирофдан сўнг кўнглимдаги қизиқиш хисси накадар аланга олиб кетганини тасаввур қила олсангиз керак. Иложи борича кўпроқ нарса билиб олиш ниятида устма-уст савол ёғдира кетдим:



— Сен қаёқдан учиб келдинг, болакай? Уйинг қаерда ўзи?
Кўзичоғимни қаёқка олиб кетмокчисан?

У ўига чўмганча жимиб қолди-да, кейин:

— Менга кутича берганинг жуда соз бўлди-да, кўзичоқ кечаси унинг ичидаги ухлайди,— деди.

— Албатта. Агар аклли бола бўлсанг, сенга аркон ҳам ҳада киламан — кўзичоқни кундузлари боғлаб қўясан. Козик ҳам бераман.

Кичкина шахзоданинг қошлари чимирилди:

— Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?

— Чунки, боғлаб қўймасанг, у бирон ёкка кетиб, адашиб қолади. Буни эшишиб дўстим хандон отиб кулиб юборди:

— Э, каёқкяям кетарди у?

— Билиб бўлмайди-да. Боши оккан томонга кетаверади, кетаверади.

Шунда Кичкина шахзода жиддий тортиб:

— Майли, хечкиси йўқ,— деди.— Ахир, мен яшайдиган жой ниҳоятда кичкина...— Бир оздан сўнг андуҳ билан қўшиб қўйди:—
Бошинг оккан томонга кетаверганинг билан узокқа кетолмайсан...


IV

Шу тариқа мен яна бир муҳим янгиликни кашф этдим: унинг она сайёраси бор-йўғи бир уйдек келар экан!

Очиғини айтганда, бу нарса мени унчалик ҳайратлантирумади. Чунки мен Ер, Юпитер, Марс, Зуҳра сингари улкан сайёralардан ташқари, яна юзлаб бошқа сайёralар мавжудлигини, аксариятига ҳатто ном ҳам берилмаганини, улар орасида телескопда ҳам кўриш мушкул бўлган миттивойлари ҳам борлигини билар эдим. Астроном олим ана шундай жимит сайёрани кашф этаркан, унга ном кўйиб ўтирумайди, балки ракам билан атаб қўяколади. Масалан: 3251-астероид, дегандек.

Менда, Кичкина шахзода Б —612 деб аталмиш мўъжаз сайёрадан тушиб келган, деб хисоблашга имкон берувчи жиддий асослар бор. Бу астероид телескопда факат бир марта —1909 йили, бир турк астрономи томонидан кузатилган эди.

Ўшандада астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъruzza қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди. Ана шунақа ғалати халқ бу каталар!



Буни қарангки, Б —612 деб атамиш астероиднинг бахтига, турк султони ўз фукароларига, ўлим жазоси таҳди билан, европача кийиниши жорий этди. Ўша астроном 1920 иили кашфиёти ҳақида тағин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнгги модада кийинган эди — ҳамма унинг гапини маъқуллади.

Б —612 деб атамиш астероид ҳақида сизга бундай батафсил сўзлаб ўтирганимга, ҳатто унинг тартиб ракамини келтирганимга катталар сабаб. Чунки катталар ракамларни жуда яхши кўришади. Агар уларга янги дўст орттирганингиз хусусида айтиб қолсангиз, улар ҳеч қачон Ҷинг асосий нарса ҳақида сўрамайдилар. Улар ҳеч қачон: «Унинг овози қанака? Қанака ўйинларни яхши кўради? У капалак тутадими-йўқми?» деб суриштирмайдилар. Улар: «Ёши нечада? Нечта оға-иниси бор? Оғирлиги қанча экан? Отаси қанча мояна олади?» дея сўрай кетадилар. Сўнг шу тариқа ўзларича одамни билиб олган бўладилар. Мабодо катталарга: «Мен қизғишиш ғиштли чиройли бир уйни кўрдим, деразасида ёронгул очилиб турибди, томида капитари бор», деб айтсангиз, улар бу иморатни сира ҳам кўз ўнгиларига келтира олмайдилар. Уларга: «Мен юз минг франкли уйни кўрдим», деб айтиш лозим — шундагина улар: «Ана гўзаллигу мана гўзаллик!» дея хитоб қиладилар.


Худди шунингдек, агар уларга: «Кичкина шаҳзода чиндан ҳам мавжуд эди, у ниҳоятда ажойиб болакай эди, яйраб куларди, бир кўзичоғим бўлса, дерди. Кўзичоғим бўлсин деган одам, ростдан мавжуд бўлади-да», десангиз, ҳайрон елка кисиб қўядилар-да, сизга худди эсипаст гўдакка қарагандек қарайдилар. Аммо бордию: «У Б —612 деган сайёрадан учиб келган эди», деб тушунтирсангиз, бу гапга узил-кесил ишонишади ва ортиқ турли-туман саволлар билан сизни безор қилишмайди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар. Улар хафа бўлиб ўтиришга арзимайди. Болалар катталарга нисбатан кенғеъл ва кечиримли бўлишлари лозим.

Аммо бизлар, яъниким, ҳаётнинг нима эканини англайдиган кишилар, номерлар ва рақамлар устидан қах-қах уриб куламиш! Мен, масалан, ўзимга қолса, ушбу киссани худди сехрли эртакдек бошлаган бўлурдим:



«Бор эканда, йўқ экан, бир Кичкина шаҳзода бўлған экин . . . ниҳоятда кичкина — ўзининг танасидан салгина катта бир спіфрида яшар, бирорта ҳам дўсти йўқлигидан каттиқ изтироб чекар үкини.. . Ҳаётнинг нималигини англайдиган кишилар бунинг эртакдан кўри кўпроқ ҳақиқатга ўхшашини дарҳол пайқаган бўлур эдилар.

Зеро мен китобимнинг шунчаки эрмак учунгина ўқилишини исло истамайман. Бўлиб ўтган у воқеаларни қайта эслаш мен учун **РОЛТ** оғир, уларни ҳикоя қилиш ҳам осон эмас. Дўстим кўзичоғи **БИЛАН** бирга мени тарк этганидан бўён орадан олти йил ўтди. уни **УНУТИБ** юбормаслик учун ҳам у ҳақда сўйламоқчиман. Чунки дунёда **ДЎСТ**-ларни унугиб юборишдан ҳам қайгулироқ нарса йўқ, ахир дўст **БЎ**-лиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да. Қолаверса, мен, ёруғ оламда рақамдан бошқа нарсага қизикмайдиган катталарга ўхшаб



колишни сира-сира истамайман. Мана шу боисдан ҳам мен рангли каламлар билан бирга бўёқлар солинган қутича сотиб олган эдим. Менинг ёшимда қайта бошдан расм чизишга киришиш — айтишга осон, холос, чунки мен бутун умрим давомида бўғма илоннинг ташкию ички кўринишидан бошқа нарса (уни ҳам олти яшар пайтимда чизганман) чизмаган эдим-да! Албатта, хозир иложи борича аслига ўхнатишга ҳаракат қиласман, бирок бу ишни қойилмақом қилиб бажараман, деб кафиллик беролмайман. Шунинг учун портретларнинг бири бинойидек чиқса, иққинчси мутлақо ўхшамаслиги ҳам мумкин. Кичкина шаҳзоданинг бўйи тўғрисида ҳам шу гапни айтиш лозим: расмларнинг бирида у ҳаддан ташқари улкан, бошқасида эса — ҳаддан ташқари кичкина бўлиб кўринади. Шунингдек, кийимининг ранги ҳам ёдимда йўқ. Шу боис эсимда колганича, тусмоллаб, хаёлан чизавераман. Ниҳоят, мен баъзи бир муҳим тафсилотлар тасвирида хатога йўл кўйишим ҳам мумкин. Аммо сизлар мени маъзур тутарсизлар, деб умид қиласман. Дўстим менга ҳеч қачон бирор нарсани тушунтириб берган эмас эди. Эҳтимол, у мени ҳам худди ўзи қатори деб хисоблагандир. Бирок, афсуски, мен кутича деворлариаро қўзичноқни кўришга кодир эмасман. Балки мен катта-

ларга озрок ўхшаб кетарман. Чамаси, қариётган бўлсам керак.

Кун сайин мен Кичкина шаҳзоданинг сайёраси ҳақида, дўстим уни қандай қилиб тарк этганию сафар чоғи қандай саргузаштларни бошидан кечиргани ҳақида янги-янги маълумотларни билиб ола бошладим. Хонаси келиб қолганида у шу ҳақда озми-кўпми гапириб коларди. Шу тариқа, учинчи куни Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида рўй берган баобаб балосидан вокиф бўлдим.

Бунга ҳам аслида ўша қўзичок расми сабаб бўлди. Кичкина шаҳзода, чамаси, нимадандир қаттиқ шубҳага тушгандек эди, тўсатдан менга қараб:

— Айт-чи, қўзичоклар ростдан ўт ейдими? — деб сўради.

— Ҳа, ростдан.

— Э, зўр экан унда!

Кўзичоқнинг ўт ейиши нега бунчалик мухим эканини, табиийки, тушунмадим. Лекин Кичкина шаҳзода шундай деб қўшимча қилди:

— Бундан чиқдики, улар баобабларни ҳам ер экан-да?

Мен бу гапга эътиroz билдириб айтдимки, баобаб дегани ўт-ўлан ёки бута эмас — минора бўйи келадиган баҳайбат дараҳт; agar у сайёрасига бутун бошли фил подасини ҳайдаб борганида ҳам, улар бирорта баобабни ея олмайди.

Кичкина шаҳзода бу гапни эшитиб, мийигида жилмайди:

— Унда, филларни бир-бирига мингаштириб қўйиш керак... — Сўнг пича ўйланиб, мулоҳазакор оҳангда давом этди: — Баобаблар энди унуб чиқкан пайтида жудаям кичкина бўлади.

— Тўғри, лекин нега энди қўзичоғинг баобабни ейиши керак?

— Э, емаса бўлмайди-да! — дея хитоб қилди у, гўё бенихоя оддий, ибтидоий бир ҳақиқат хусусида сўзлаётгандек.

Гап нимадалигини англаб етгунча роса бошим қотди.


Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ҳам бошка сайёralардаги каби фойдали ва зарарли ўт-ўланлар ўсар экан. Демакки, у ерда доривор,

шифобахш ўтларнинг уруғи билан бирга, зааркунанда ва бегона ўсимликларнинг уруғлари ҳам мавжуд. Аммо уруғ ҳали тупрок тагида мудраб ётаркан, кўзга кўринмайди, шу боис унинг зарарлими, фойдали эканини билиш ҳам мушкул. Факат ер уйғонгачгина уруғ ҳам аста-секин ниш уриб ёруғ олам сари талпинади, куртак очиб барг ёзади-да, кўёшга бўй чўзади. Қаттиқ ердан қалтираб чиккан чоғида у нимжонгина, беозор бир гиёҳ бўлади. Агар у бўлғуси гулкўчат ёки маймунжон бўлса, майли, bemalol ўсиб-унаверсин; бордию қандайдир зааркунанда ўсимлик бўлса, таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Кичкина шаҳзоданинг сайёрасида ана шундай заарарли мудхиш уруғлар бор экан — баобабларнинг уруғи. Сайёранинг тупроғида шу ёвуз уруғ тўлиб-тошиб кетган экан. Агар баобабни ўз вақтида пайқаб юлиб ташланмаса, кейин ундан қутулишнинг иложи бўлмайди. У бутун сайёрани эгаллаб олади, баҳайбат, қутурган томирлари билан уни ҳар томондан чирмаб эза бошлайди. Мабодо сайёра мўжазгина бўлса-ю, баобаблар сон-саноқсиз бўлса, у холда улар уни тилка-пора килиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бизда шундай бир коида бор,— деди Кичкина шаҳзода кейинчалик менга.— Эрталаб уйқудан туриб, юз-қўлингни ювгач, у ёқ-бу ёкни йигиштиргандан сўнг, дархол сайёрангни тозалашга киришмопинг лозим. Баобабларни ҳар куни, канда қилмай йўқ килиб туриш керак. Аммо уларни гул кўчатидан ажрати билиш керак: иккаласининг ниҳоли бир-бирига жудаям ўхшайди. Бу ҳаддан ташқари зерикарли иш, лекин сирам кийин эмас.

Бир гал у менга, мана шу гапларни бизнинг болалар ҳам тушунсин, десанг, бир расмини чизиб кўрмайсанми, деб маслаҳат берди.

— Агар улар қачондир сафарга чиқмоқчи бўлсалар, бу нарса ғоят қўл келади,— деди у.— Бошка ишлар бир оз кечикса ҳам зиён қилмайди, аммо баобабларни ўз ҳолига қўйиб берилса, охири вой бўлади. Мен бир сайёрани биламан, у ерда бир дангаса яшарди. У учтуп ниҳолни вақтида қўпориб ташламади, оқибатда...





Кичкина шаҳзода бу ҳақда батафсил сўзлаб берди, мен эса ўша сайдеранинг расмини чиздим. Бирорга ақл ўргатишни ёмон кўраман, аммо баобабларнинг нақадар хавфли эканини жуда оз одамгина билади, ваҳоланки, астероидга қадам қўядиган ҳар бир киши мукаррар равишда бу даҳшатли хатарга дучор бўлади. Шу сабабдан мен ҳозир одатимга хилоф тарзда: «Болалар, баобаблардан эҳтиёт бўлинглар!» деб ҳайқиргим келади. Барча дўстларимни кўпдан буён таҳдид солиб турган шу бало-қазодан огоҳ килиб қўймокчиман, чунки улар шундай хатар борлигини бир пайтлар мен ҳам мутлақо билмаганимдек, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам мен овора бўлиб шу расмни чиздим, шунинг учун ҳам қилган меҳнатимга заррача ачинмайман. Эҳтимол, сиз, нима учун бу китобда манави баобабларнинг тасвиридан бошқа бирорта ҳам таъсирили расм йўқ, деб сўрарсиз. Бунга мен оддийгина килиб шундай жавоб қайтараман: бошқа расмлар ҳам таъсиричароқ чиксин, деб роса уриндим, бироқ, афсуски, қўлимдан келмади. Баобабларни чизаётган пайтимда эса, бу чиндан ҳам мудхиш хатар, уни даф этишини асло кечикириб бўлмайди, деган фикр менга илҳом бағишилаган эди...

Эх, Кичкина шаҳзода! Аста-секин мен сенинг накадар ғамгин ва якранг ҳаёт кечирганингни англаб етдим. Узок йиллар мобайнида ягона дилхуш эрмагинг қўёш ботар пайт — ғурубни томоша қилишдан иборат бўлган экан. Мен буни тўртинчи куни эрталаб, ўзинг сўз орасида:

— Ғурубни жудаям яхши кўраман. Юр, қуёшнинг ботишини томоша қиласиз,— деб қолганингда сездим.

— Э, унда бир оз кутиш керак.

— Нимани?

— Қўёш ботишини-да.

Бу гапни эшитиб, аввал беҳад хайрон бўлиб қолдинг, кейин эса ўзингнинг устингдан ўзинг кулиб:

— Назаримда, ҳалиям уйимда юргандекман! — дединг.

Ҳақиқатан ҳам, Америкада кун чошгоҳ бўлганда Францияда кун ботишини ҳамма билади. Агар у ердан бир лаҳзанинг ичидаги Францияга етиб борилса, қўёш ботишини ҳам томоша қилиш мумкин. Бахтга қарши, Франция бу ердан узок, бениҳоя узок. Сенинг сайёлангда эса тагингдаги курсичани бир неча қадам нари сурссанг, бас — ғурубга истаганча узлуксиз мафтун бўлиб термилавериш мумкин эди...



— Бир сафар мен бир кунда қирқ уч марта қўёш ботишини томоша қилганман!

Орадан сал ўтгач, хиёл андух билан яна шундай дединг:

— Биласанми... баъзан юрагинг нимадандир ғуссага тўлиб кетганда, ботаётган қўёшга бирпас термилиб ўтиранг борми...

— Демак, ғурубни қирқ уч марта томоша қилган кунинг жудаям хафа бўлган экансан-да?

Аммо Кичкина шаҳзода бунга жавобан индамади.

Бешинчи куни эрталаб, тағин ўша қўзичоқ сабаб бўлиб, Кичкина шаҳзоданинг сиру асрорини билиб олдим. У, гўё узок вакт сукут ичра ўйлаб шу хулосага келгандек, дабдурустдан:

— Қўзичоқ ўт ер экан, бундан чикди, гулни ҳам ейиши мумкин экан-да? — деб сўради.

— Ха, тўғри келган нарсани еяверади.

— Ҳатто тиканли гулни ям ейдими?

— Ха, тиканли гулниям.

— Ундан бўлса, гулга тиканнинг нима кераги бор?

Буни мен ҳам билмасдим. Ҳозир жудаям банд эдим: моторнинг бир гайкаси ейилиб кетган, шуни бураб чикаролмай, қонимга ташна бўлиб турардим. Авзойим бузук эди — ахвол тобора оғирлашиб боромда, сув деярли тамом бўлди, бу мажбурий қўнишнинг охири расво бўлмаса эди, деган гулғула юрагимга ўрмалай бошлиган эди.

— Ҳўш, тиканнинг нима кераги бор?

Кичкина шаҳзода бирон-бир савол бераркан, жавоб олмагунича қўймас эди. Тош қотиб кетган гайка ҳадеганда буралавермагач, фифоним фалакка чикиб, оғзимга келган гапни ғўлдирадим:

— Гулга тиканнинг сирайм кераги йўқ, азбаройи ёмонликка чикаради.


— Шунаками?

Жимлик чўқди. Анчадан кейин у ранжиган оҳангда:

— Гапингга ишонмайман, — деди. — Ахир, гуллар жудаям

заиф, оқкўнгил-ку. Ўзларини ботир кўрсатиш учун ҳам тикан чиқаришади, гўё шунда улардан ҳамма қўрқадигандек...

Индамадим. Ҳозир ўзимча жаҳл билан ғўлдираб қасам ичмоқда эдим: бу лаънати гайка шу сафар ҳам чиқмаса, болға билан шундай айлантириб соламанки, майдамайда бўлиб кетади!.. Бирок Кичкина шаҳзода тағин хаёлимни бузди:



— Ўйлайсанки, гуллар ...

— Э, ҳеч нарсани ўйламайман-э, мен! Калламга келган гапни айтдим-қўйдим-да. Қўриб турибсан-ку, жиддий иш билан бандман. У менга ҳайратдан донг котиб тикилди:

— Қанақа жиддий иш?!

У ҳамон мендан нигохини узмасди: мен эса, афт-башарам қоп-кора мой, қўлимда болға, унинг қўзига ниҳоятда нотавон бўлиб кўринаётган манави шалдироқ арава — самолёт узра энгашганча асабий тутикаиб туардим.

— Худди катталарга ўхшаб гапирасан-а! — деди у.

Уялиб кетдим. У эса аяб-нетиб ўтирумай, гапида давом этди:

— Хаммасини чалкаштириб юбординг... ҳеч нарсани тушунмас экансан!

Чиндан ҳам унинг қаттиқ жаҳли чиқкан эди. Аччиқланиб бошини чайқаркан, тилларанг соchlари шамолда тўзғиб кетди.

— Мен бир сайдорани биламан, у ерда юзи бўзарган бир жаноб яшайди. У умрида бирор марта гул ҳидлаб кўрмаган, бирор марта юлдузларга тикилмаган. У ҳеч қачон бирорни севган ҳам эмас, умрида бирон-бир юмушни ҳам бажарган эмас. У факат бир иш билан — ракамларни бир-бирига уриштириш билан овора. Эртаю кеч худди сенга ўхшаб яккаш: «Мен жиддий одамман! Мен жиддий одамман!» деб такрорлагани-такрорлаган. Тағин гердайиб-кеқкайиб юришини айтмайсанми! Аслида у одам эмас, қўзиқорин.

— Нима дединг?

— Қўзиқорин, деяпман! — Кичкина шаҳзода азбаройи аччиқланганидан, ранги бўздек оқариб кетди.— Миллион йиллардан буён гулларнинг танасида тикан ўсади. Ва миллион йиллардан буён қўзичоқ гулларни бари бир еб кўяди. Шундай экан, ҳеч қандай наф кўрмаса ҳамки, гулларнинг тиканига бунчалик зўр беришининг боиси нимада? Наҳот мана шу жумбокни англаш зарур иш бўлмаса? Наҳотки гуллар билан қўзичоқлар ўтасидаги асрий адоват сири муҳим нарса бўлмаса? Ахир бу ўша юзи бўзарган жанобнинг хисобкитобидан кўра жиддийрок ва заруррок эмасми? Айтайлик, мен дунёда на тенги, на ўхшаши бўлган бир гулни биламан, у факат менинг сайдорларигина ўсади. Энди бир куни жимитгина қўзичоқ шартта борсаю уни паккос еб битирса! Нима иш қилиб қўйганини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаса... Балки бу ҳам сенингча муҳим нарса эмасдир?

У кип-қизариб кетди, бир зумдан кейин тағин давом этди:

— Агар бошқа миллионлаб юлдузларда учрамайдиган бир гулни яхши кўрсанг, шунинг ўзи ҳам кифоя: осмонга бокқанинг замон ўзингни баҳтиёр ҳис этсан. «Олисларда, қайдадир менинг ҳам гулим бор», деб шивирласанг бас — қўксинг тоғдек юксалиб кетади. Бордию қўзичоқ тўсатдан уни еб кўйса борми, оламдаги жамики юлдуз бирданига сўнгандек бўлади-колади! Сенга қолса, бу сирайм муҳим нарса эмас!


У ортиқ гапиромлади, нафаси тикилиб, хўнграб юборди. Атрофни коронғилик чулғади. Қиласётган ишимни шартта ташладим, бадбаҳт гайкаю болға ҳам, ташналигу ўлим ваҳми ҳам дафъатан унут бўлди.

Менинг юлдузимда, Ер аталмиш менинг сайёрамда Кичкина шахзода ўксиб-ўксиб йиғлар — уни юпатмоқ даркор эди. Мен уни бағримга босганча кўлимда аллалай бошладим: «Сен кўнгил кўйган гулга хеч ким тегмайди... кўзичоғингнинг тумшуғига ўзим нўхта чизиб бераман... мен...». Бундан бўлак нима деяримни билмасдим, аклу ҳушим тамоман бошимдан учган, ўзимни беҳад беўхшов ва ўнғайсиз сезардим. Нима қилсан, у дилимни англаркин? Тутқич бермай мендан лаҳза сайин узоклашиб бораётган бу беғубор кўнгил садосини қандай қувиб етсан экан? Ахир, аслида кўзёш дегани — англаб бўлмас, ғирли бир салтанат эмасми?

VIII

Ҳадемай бу гулни яхшилаб билиб олдим. Кичкина шахзоданинг сайёрасида ҳаммавакт оддийгина, беҳашам гуллар ўсарди. Улар камбарг, беозоргина бўлиб, ниҳоятда кам жойни эгаллар, эрталаб очилиб, оқшом чоғи сўлиб қолар эди. Бу гул эса, кунларнинг бирида шамолда кайдандир учиб келиб сайёра тупроғига тушиб қолган уруғдан униб чиқкан эди. Кичкина шахзода бошқа ўт-ўлан, гулчекларга асло ўҳшамаган бу мўъжаз ниҳолдан кўзини узолмасди. Бордию у баобабнинг бирор янги хили бўлса-чи? Аммо ниҳол тез орада юқорига қараб бўй чўзишдан тўхтади-да, ғунча тугди. Кичкина шахзода умри бино бўлиб бундай катта ғунчаларни кўрмаган эди, гаройиб мўъжиза рўй беражагини кўнгли сезиб, бетоқат кута бошлади. Нотаниш, номаълум ғунча эса ҳамон юз очишни хаёлига келтирмас, яшил гумбаз ичра пинҳон ўтирганча ҳануз ўзига оро берар эди. У қунт билан ранг танлар, гулбарг лиbosларни нозик баданига бир-бир ўлчаб кўрарди — ёруғ оламга аллақандай лолақизғал-докка ўҳшаб, хурпайган, тўзғиган холда дийдор кўрсатишни сирасира истамасди-да. У ҳусни жамолини бор латофатию бутун жозибаси билан намоён этмоқни орзу қиласди. Ҳа, ана шундай ўзига бино кўйган гўзал эди у!

Сирли тайёргарлик шу йўсин узок давом этди. Ва, ниҳоят, бир сахар чоғи, қуёшнинг ilk нурлари кўриниши биланоқ гулбарглар охиста очилди, бу лаҳзага шу қадар узок тарафдуд килган гўзал эса ширин эснаб:



— Эҳ, эсизгина, барвакт уйғониб кетибман-ку... Афв этинг мени...— деди.— Ҳаммаёғим тўзғиб ётувди-я...

Кичкина шахзода ҳайрат ва завқини яшиrolмади:

— Нақадар чиройлисиз-а!

— Йўғ-э, ростданми?— деди гулғунча бунга жавобан астагина.— Ҳа, балки сезгандирсиз, мен қуёш билан бирга туғилганман-да.

Кичкина шахзода бу ғунчанинг камтарларлик бобида намуна бўлолмаслигини пайқади, бироқ у шунчалар дилбар ва латиф эдики, одамни беихтиёр довдиратиб кўярди!

— Нонушта вактиям бўлиб колдими дейман,— деди у салдан кейин.— Барака топкур, менга ёрдам қиласиз-а?



Кичкина шахзода беҳад хижолат бўлди, кўзачада муздек булок сувидан келтириб уни сугорди.

Кўп ўтмай гўзал гулғунчанинг хийла мағурур ва аразчилиги ҳам маълум бўлиб қолдию Кичкина шахзода у билан тил топишаман, деб роса қийналди. Бир куни гул поясидаги тўртта тиканни кўрсатиб:

— Қани, йўлбарс зўр бўлса, бу ёкка келсин, мен унинг ўзидан ҳам, ўтқир тирноғидан ҳам кўркмайман! — деди.

— Менинг сайёрамда йўлбарс яшамайди,— деб эътиroz билдириди Кичкина шахзода.— Қейин, йўлбарслар ўт емайди.

— Мен ўт эмасман-ку,— деди гулғунча ранжиб.




— Кечиринг мени...

— Йўқ, мен йўлбардан сирам юркмайман, аммо елвизак деган нарсадан юрагим чиқиб кетади. Сизда парда йўқми, мени шамолдан тўсиб юйсангиз?



«Фалати-я, ўсимлик бўлатуриб елвизакдан юркади...— деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Жудаям юнглини топиш кийин экан бу гулнинг...»

— Бу ер роса совук экан. Кечкурун мени шиша қалпок билан ўраб юйинг, хўпми? Сайёрангиз ҳаддан ташқари бефайз экан. Мен келган жойда-чи...



Гулғунча гапини тугатмай жимиб қолди. Чунки бу ёққа у хали уруғ чоғида учиб келган эди-да. Ўзга оламлар ҳакида шу боис ҳеч нарса билмаслиги табиий эди. Осонгина фош бўлишинг мукаррар вазиятда эса ёлғон гапирмок — бориб турган аҳмоқликдир! Гулғунча хижолат торти, сўнг гўё Кичкина шаҳзода, ўзини унинг олдида қанчалар гуноҳкор эканини сезсин, деган маънода устма-уст йўталди:

— Қани парда, борми?

— Мен боя бориб олиб келмоқчи эдим, лекин гапингизни бу лишга...

Шунда гулғунча яна каттикроқ йўтала бошлади: майли, унини виждони баттар кийналсин!

Кичкина шаҳзода, гарчи бу феруза гулни яхши юриб қолган, унги хизмат қилишдан баҳтиёр бўлса-да, кўп ўтмай юнглида шубҳа ўйфонди. У шунчаки айтилган ҳавойи гапларни юрагига яқин олар, шу сабаб ўзини бениҳоя баҳтсиз сезар эди.

— Бекор унинг гапига қулок солган эканман,— деб қолди у бир куни менга.— Ҳеч қачон гулларнинг айтганига қулок солмаслик керак экан, уларга термилиб, ҳидларидан баҳраманд бўлиш лозим экан, холос. Менинг гуллим бутун сайёрани хуш бўйларга буркаган эди, мен эса бундан факат кувониш зарурлигини билмасдим. Йўлбарс ҳакидаги, тирнок ҳакидаги анави гапларга келсак... улардан одамнинг юнгли завқ-шавққа тўлиши керак эди, мен бўлсам аччикланиб ўтирибман-а...— Бир муддат сукут саклаб, андуҳ билан эътироф этди: — Ўшанда ҳеч нимани тушунмаган эканман! Оғиздаги сўзга эмас, амалдаги ишга қараб баҳо бериш керак эди. У менга ўзининг муаттар бўйларини армуғон этди, хаётимни нурга чулғади. Мен ундан кочмаслигим керак эди! Ўша қовушмаган хийла-найранглар замирида нозик бир латофат мужассам эканини пайқашим керак эди. Ахир, гуллар шунчалик бекарорки!.. Аммо мен ниҳоятда ёш эдим, муҳаббат сир-асоридан бехабар эдим.

IX

Англашимча, у жаҳонгашта қушлар билан бирга парвоз қилишга карор берган. Охирги куни эрталаб у одатдагидан кўра бошқачароқ ғайрат билан сайёрасини тозалашга киришди. Қунт ва зўр ҳафсала билан ўйғоқ вулқонларни тозалай бошлади. Сайёрада икита ўйғоқ вулқон бўлиб, улар нонушта тайёрлашга жудаям кулаг эди. Бундан ташқари, яна битта сўнган вулқон ҳам бор эди. Бироқ, бу сўнган-ку, деб хотиржам юриб бўлмайди-да, деди у. Шу сабабдан уни ҳам эринмай тозалаб чиқкан. Вулқонларни чинни-чироқдек озода қилиб тозаласангиз, улар тутуну қурум чиқармай бир маромда бикирлаганча қайнаб ётади... Албатта, биз — Ердаги аҳли замин, фоят кичкина одамлармиз, вулқонларимизни тозалашга кучимиз етмайди. Шунинг учун ҳам улар бизга шу қадар кўп зиён-заҳмат етказади.

Кичкина шаҳзода баобабларнинг сўнгги ниҳолларини юларкан, хиёл ғуссага ҳам ботди. Балки энди сирам бу ерларга қайтмасман, деб ўйлади. Аммо бу тонгнинг ҳар кунги одатий юмушлари унга ғайриоддий завқ бағишиламоқда эди. Ҷойиб феруза гулни охирги бор сугориб, устини шиша қалпок билан ёпиб юйишга чоғланаркан, ўпкаси тўлиб, ҳатто йиғлагиси келиб кетди.

— Хайр, яхши қолинг,— деди у. Гул чурк этмади.

— Хайр сизга,— деб такрорлади Кичкина шаҳзода.

Феруза гул йўталиб юйди. Совук котганидан эмас, албатта.

— Аҳмоқлик қилган эканман,— деди у ниҳоят.— Кечир мени. Баҳтинг ёр бўлсин...

Товушида таъна-дашномдан асар ҳам сезилмасди. Кичкина

шахзода қўлида шиша қалпок, лолу ҳайрон қотиб қолган эди. Бу латофат, бу меҳр қаёқдан пайдо бўлди экан?

— Ха, мен сени яхши кўраман, ҳа... — деган титрок оҳанг янграрди кулоқлари остида.— Айбим шундаки, сен буни билмасдинг. Бу унчалик мухим ҳам эмас аслида. Лекин сен ҳам худди мендек тен-так эдинг. Майли, бахтингни топ, омадингни берсин... Қалпоқни четроққа қўй, у энди менга керакмас.



— Аммо, шамол...

— Йўқ, унчалик шамолламаганман... Тунги шабнам менга наф келтиради. Ахир, мен — гулман-ку.

— Аммо, ҳайвонлар, ҳашаротлар...

— Агар мен капалаклар билан танишмокчи бўлсам, бир-иккита ғумбакнинг зулмига дош беришим керак-ку, капалаклар чиройли бўлса керак. Бўлмаса, энди менинг олдимга ким ҳам келарди? Сен

узоққа кетаётган бўлсанг... Ҳайвонлардан эса қўрқмайман. Мениям ўткир тирноқларим бор.— У соддадиллик билан тўрттала тиканини кўрсатди-да, шундай деб қўшиб қўйди: — Бўлди, бас, ортиқ чўза-верма, бардош бериш кийин, ахир! Модомики кетар бўлсанг — ҳайр, яхши бор.




У ўзининг силкиниб-силкиниб йиғлаётганини Кичкина шахзода кўришини истамасди. Бу жудаям мағрур гул эди...

X

Кичкина шахзоданинг сайёрасига 325, 326, 327, 328, 329 ва 330-астероидлар энг яқин эди. Шу боис у дастлаб уларга ташриф этишга аҳд қилди: ҳам эрмак, ҳам нимадир ўрганади.

Биринчи астероидда қирол яшарди. Ипак-шохи либосларга бурканганча, у нихоятда оддий ва айни пайтда улуғвор таҳтда савлат тўкиб ўтиради.



— Э, мана, фуқаро ҳам келиб қолди! — деб хитоб қилди қирол Кичкина шаҳзодани кўриши билан.

«У мени қаёдан биларкин? — деб ўйлади Кичкина шаҳзода.— Ахир умрида биринчи марта кўриб турибди-ку!»

Билмасдики, қироллар дунёга жўнгина қарайдилар, улар учун жамики одам — фуқаро.

— Яқинроқ кел, қани, сени бир яхшилаб кўриб олай-чи,— деди қирол нихоят кимгадир қироллик қилиши мумкинлигидан ўлгудек талтайиб.

Кичкина шаҳзода ўтиришга жой излаб ён-верига аланглади, бирорқ қиролнинг ҳашамдор жуббаси бутун сайёрани қоплаб олган эди. Тик тураверишга тўғри келди. Бениҳоя қаттиқ чарчаганидан бир пайт аста хомуза тортиди.

— Ҳукмдорлар ҳузурида эснаш мумкин эмас,— деди қирол.— Мен сенга эснашни ман киласман.

— Мен... тўсатдан, билмай қолиб... — деди Кичкина шаҳзода қаттиқ хижолат тортиб.— Мен узок йўл юриб келдим, ухлаганим йўқ эди...

— Ҳай, ундаи бўлса, эснашингга рухсат бераман,— деди қирол.— Қўп йиллар бўлди ўзим ҳам бирорта эснаган одамни кўрмаганимга. Мена, хозир роса қизиқиб қолдим. Демак, қани, эсна! Буйругим шундай.

— Аммо... уяляпман энди... бошқа қилолмайман,— деда ғўлдирали Кичкина шаҳзода ва кип-қизариб кетди.

— Ҳимм... ҳимм... Унда, унда... сенга буйруқ шу: гоҳ эснагоҳ...

Қирол гапини чалкаштириб, ҳатто бирмунча ранжигандек ҳам бўлди. Чунки қирол учун энг муҳими — ўзига сўзсиз итоат қилиниши эди, у итоатсизлик ва шаккоклика тоқат этолмасди, чунки мутлақ ҳукмдор эди-да. Бироқ у ғоят оққўнгил эди ва шу важдан факат оқилона фармойишларгина берарди.

«Агар мен генералимга, денгиздаги оқ чорлокқа айланасан, деб амр этсаму генерал буйругимни бажармаса,— дерди у,— бу унинг эмас, менинг айбим бўлади».

— Ўтирасм майлими? — деда бўшашибгина сўради Кичкина шаҳзода.

— Амр этаман: ўтири! — деб жавоб берди қирол ва викор билан ҳашамдор жуббасининг бир этагини пича йиғишиди.

Лекин Кичкина шаҳзода ҳайрон эди: сайёра-ку шундай жимит экан, қирол кимнинг устидан ҳукмронлик қиласкин?

— Аъло ҳазратлари,— деб сўз бошлади у,— бир нарсани сўрасам майлими?

— Амр этаман: сўра! — деди қирол шоша-пиша.

— Аъло ҳазратлари... сиз кимнинг, ниманинг устидан ҳукмронлик қиласиз?

— Ҳаммасининг,— деб жавоб берди қирол оддийгина қилиб.

— Ҳаммасининг?

Қирол камтарона бир харакат билан ўз сайёрасига, шунингдек, теваракдаги бошқа барча юлдуз ва сайёralарга ҳам ишора қилди.

— Сиз шуларнинг ҳаммасига ҳукмдорлик қиласизми? — деб қайта сўради Кичкина шаҳзода.

— Ҳа,— деб жавоб қайтарди қирол. Зоро у чиндан ҳам қонуний мутлақ ҳукмдор бўлиб, хеч қандай тўсиқ ва чекланишларни билмасди.

— Юлдузлар ҳам сизга бўйсунадими? — деб сўради Кичкина шаҳзода.

— Бўлмасам-чи,— деди қирол.— Юлдузлар бир зумда бўйсунади. Мен итоатсизликка чидаб туролмайман.

Кичкина шаҳзода бениҳоя ҳайратга тушди. Эҳ, қанийди, унинг шундай кудрати бўлса эди, қуёш ботишини тўйиб-тўйиб томбаша қиласди! Қунига кирк икки марта эмас, балки етмиш икки, ю/, ҳатто икки юз марта ғурубга термиларкан, курсичасини нари-бери кўзға-

тишга ҳам хожат қолмасди! Бирданига у ўзи тарк этган сайдерасини эслаб, гуссага чўмди, бир оздан кейин журъат тўплаб:

— Мен қуёш ботишини томоша қилмоқчи эдим. Бир марҳамат қилинг, қуёш ботсин, деб фармон беринг,— деди.

— Бордию мен бирорта генералимга капалак бўлиб гулдан-гулга учиб юришни ёки фожиавий асар яратишни, ё бўлмаса, оқ чорлокка айланишни буюрсаму генерал буни бажармаса, ким айбор бўлади — менми, уми?

— Сиз, аъло ҳазратлари,— деди бир лаҳза ҳам иккиланмай жавоб қилди Кичкина шахзода.

— Мутлақо тўғри,— деб тасдиқлadi қирол.— Ҳар кимдан қурби етадиган нарсани талаб қилиш керак. Ҳокимият энг аввало оқилона бўлиши лозим. Агар ҳалқингга, денгизга ташлашни буюрсанг, у исён кўтариб инқилоб қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам мен сўзсиз итоатни талаб эта оламан, чунки амр-фармонларимнинг барчаси оқилонаадир.

— Қуёш-чи, қуёш ботиши нима бўлади энди?— деб сўради Кичкина шахзода. У то саволига жавоб олмагунича тинчимас эди.

— Қуёш ботади, шошмайтур. Мен бу ҳақда тегишли буйруқ бераман. Аммо олдин кулай вазият етилишини кутиб тураман, зеро ҳукмдорлик ҳикмати ҳам ана шунда.

— Ҳўш, кулай вазият қачон етилади?— деб суриштириди Кичкина шахзода.

— Ҳимм... хозир... ҳим...— деди қалин календарни титкилай бошлади қирол.— Қулай вазият... ҳимм... мана бугун кечқурун соат еттилан кирқ минут ўтганда етилади. Амр-фармонимнинг қанчалик сўзсиз бажарилишини кўрасан ана шунда.

Кичкина шахзода тағин эснади. Афсус, бу ерда ғурубни истаган вақтингда томоша қиломас экансан!.. Очигини айтганда, у энди зерика бошлаган эди.

— Мен борай,— деди у қиролга.— Бошқа қиладиган ишим ҳам қолмади.

— Йўқ, кетма! — деди қирол. У ўзига фукаро толиб олганидан ниҳоятда хурсанд эди ва ундан айрилишни сира-сира истамасди.— Кол, мен сени министр этиб тайинлайман.

— Қанака министр?

— Ҳимм... бор ана, адлия министри бўлакол.

— Аммо бу ерда суд қиладиган бирорта ҳам одам йўқ-ку?

— Ким билади дейсан,— деб эътиroz билдириди қирол.— Ахир мен ҳали бутун қироллигимни синчилаб кўздан кечириб чиқмаганим-да. Кўриб турибсан, анча қариб қолганман, арава кўядиган жойим йўқ, яёв юришга эса чоғим келмайди.

Кичкина шахзода аста эгилиб, сайдерасини нариги чеккасига назар ташлади.

— Мен аллақачон синчилаб караб чиқдим!— деб хитоб қилди у.— Уёқда ҳам ҳеч зоф йўқ.

— Угдай бўлса, ўзингни ўзинг суд қилакол,— деди қирол.— Бу дунёда ги энг оғир иш. Ўзингни тергаш, суд қилиб ҳукм чиқариш ўзгаларни суд қилишдан кўра минг карра кийинроқ. Агар ўзинг

ни тўғри суд қила билсанг, демак, чиндан ҳам донишманд одам бўлиб чиқсан.

— Ўзимни истаган жойда суд қила оламан,— деди Кичкина шахзода.— Бунинг учун хузурингизда қолишимга асло хожат йўк.

— Ҳимм... ҳимм...— деди кирол чайналиб.— Назаримда, сайдерасининг аллақайси ерида бир қари каламуш яшаса керак. Кечаси-лари бир балоларни қитирлатиб юрганини эшитаман. Мана шу каламушни суд қилсанг ҳам бўлаверади. Вакти-вақти билан уни ўлимга ҳукм қилиб турасан. Унинг ҳаёт-мамоти сенга боғлиқ бўлади. Аммо ҳар сафар кейин уни афв этиш лозим. Бу қари каламушни асррабайлаш керак, ахир ўзи бор-йўғи битта-я...

— Мен бирорвларни ўлимга ҳукм қилишни ёқтирумайман,— деди Кичкина шахзода.— Умуман, менинг кетар вактим бўлди.

— Йўқ, бўлмади,— деб эътиroz билдириди қирол.

Кичкина шахзода йўлга равона бўлмокчи эди-ю, лекин кекса ҳукмдорни хафа қилишни истамасди.

— Агар аъло ҳазратлари амр-фармонларининг сўзсиз бажарилишини хоҳласалар,— деди у,— у ҳолда, менга ҳозир оқилона фармойиш беришлари лозим. Масалан, сиз менга бир лаҳза ҳам ҳаялламай йўлга тushiшини буюришингиз мумкин. Сезишимча, бунинг учун ниҳоят кулай шарт-шароит мувжуд...

Қирол индамади. Кичкина шахзода хийла кутиб турди-да, аста ҳўрсаниб, йўлга тушди.

— Сени элчи қилиб тайинлайман!— деб қичкирди қирол унинг ортидан шоша-пиша. Шу тобда у гўё умрида гапини бирор икки килмагандек мамнун ва хотиржам кўринарди.

«Ғалати ҳалқ-да, бу катталар», деб кўйди Кичкина шахзода ўзича, йўлида давом этаркан.

XI

Иккинчи сайдерада шухратпараст яшарди.


— О, ана, муҳлис ҳам келиб қолди!— деб хитоб қилди у Кичкина шахзодани узокдан кўриши билан.

Ахир, иззатталаб одамларга ҳамма уларнинг муҳлиси бўлиб кўринаверади-да.

— Салом,— деди Кичкина шахзода.— Шляпангиз жудаям антика экан-а?

— Бу — таъзим бажо келтиришга,— деб тушунтириди шухратпараст.— Мени олкишлашган пайтда таъзим бажо айлашим лозим. Бахтга карши, бўёққа бирор кимса кадамранжида килмаяти.

— Э, шундайми?— деб кўйди Кичкина шахзода, у ҳеч нарсани тушунмаган эди.



— Бир чапак чалгин,— деди шухратпаст унга.

Кичкина шахзода кафтларини бир-бирига уриб чапак чалди. Шухратпаст шляпасини бошидан олиб, тавозе билан таъзим килди.

«Кари қиролнинг юртидан кўра бу ер кизикроқ экан», деб ўйлади Кичкина шахзода ва тағин чапак чалди. Шухратпаст яна шляпасини бошидан олиб таъзим бажо келтириди.

Беш минутча шу тахлитдаги қарсак-таъзимдан сўнг Кичкина шахзода бундан ҳам зерикди.

— Нима қилса, шляпангиз бoshингиздан учиб тушади?— деб сўради у.

Аммо шухратпаст бу гапни эшитмади. Иззатталаб одамлар мақтovдан бошка ҳамма нарсага кар бўлишади-да.

— Сен ростдан ҳам менинг чин муҳлисим бўласанми?— деб сўради у Кичкина шахзодадан.

— Муҳлис бўлиш дегани нима?

— Муҳлис бўлиш дегани — бу сайёрада менинг энг гўзал, энг башанг, ҳаммадан бой ва ҳаммадан ҳам ақлли эканимни тан олиш демакдир.

— Лекин сайёрангда ўзингдан бошка зоғ ҳам йўқ-ку!

— Бари бир. Кел, менга бир яхшилик қил, яйраб қолай: мени бир мақтагин!

— Мақташга-ку, мақтайман-а,— деди Кичкина шахзода хиёл елка қисиб,— аммо бундан сенга нима наф?

Шундай деб шухратпастни ҳам аста тарк этди.

«Ҳакиқатан ҳам, катталар жуда ғалати халк-да», деб ўйлади ўйлга тушаркан, соддалик билан.

XII

Кейинги сайёрада пиёниста яшарди. Кичкина шахзода у ерда кўп бўлмади, бироқ шу қисқа вақт ичидәёқ юраги ғаш тортиб чиқди.

У сайёрага қадам қўйганида, пиёниста олдидаги бўш ва тўла шишалар сафиға жимгина тикилиб ўтиради.

— Нима қиляпсан?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Ичяпман,— деди пиёниста хўмрайиб.

— Нега?

— Унутмоқчиман.

— Нимани?— деб сўради Кичкина шахзода пиёнистага раҳми келиб.

— Шу ишимнинг уятлигини,— деди пиёниста тан олиб ва бошини қўйи солди.

— Қайси ишинг?— деб сўради Кичкина шахзода, боякишга ёрдам беришни жон-дилидан истаб.

— Ичишим уят!— деди пиёниста ва қайтиб оғиз очмади.

Анчадан сўнг Кичкина шахзода лолу ҳайрон бўлиб, тағин йўлга тушди.

«Ха, шубҳасиз, катталар жуда-жуда ғалати халк», деб хаёлидан кечирди йўлида давом этаркан.



XIII

Тўртинчи сайёра корчалон одамга карашли эди. У шу қадар банд эдики, Кичкина шахзода хузурига кириб келганида ҳатто бош кўтариб ҳам қарамади.

— Салом,— деди Кичкина шахзода.— Папиросингиз учиб қолибди.

— Иккига уч — беш. Бешга етти — ўн икки. Ўн иккига уч — ўн беш. Салом. Ўн бешга етти — йигирма икки. Йигирма иккига олти — йигирма саккиз. Гугурт чақишгаям вақт йўқ. Йигирма олтига беш — ўттиз бир. Уф! Жами, демакким, беш юз бир миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта.

— Нима у — беш юз бир миллион?..

— А? Э, ҳалиям шу ерда турибсанми?— Нималигини билмай ҳам қолдим... Ишим шу қадар кўпки! Мен жиддий одамман, валаклаб ўтиришга вактим йўқ! Иккига беш — етти...

— Нима у — беш юз миллион?— деб такрорлади Кичкина шахзода. У бирор нарса ҳакида сўраркан, то жавоб олмагунича тинчимасди.

Корчалон одам бошини кўтарди.

— Эллик тўрт йилдан бўён шу сайёрада яшайман.

Шунча вакт мөбайнида менга бор-йүғи уч марта халакит беришди. Биринчи гал, йигирма иккى йил муқаддам қаёқданыр бир тиллақүн-ғиз учиб келиб қолганида шундай бўлган эди. У шунақанги шовқин солиб визилладики, мен беихтиёр қўшува тўртта хато қилиб қўйдим. Иккинчи гал эса ўн бир йил бурун бирданига мени бод тутиб қолди. Ҳадеб қадалиб ўтиравергандан кейин... Мени сайд-томоша қилиб юришга фурсатим йўқ. Мен жиддий одамман. Учинчи гал... мана энди! Демак, жами бўлиши керак эди беш юз миллиону...

— Беш юз миллион нима, ахир?

Корчалон одам жавоб бермаса кутулмаслигини пайқади.

— Беш юз миллион бу, ҳалиги... бор-ку ҳар замонда осмонда кўриниб қоладиган?

— Нима экан у, пашшами?

— Э, йўғ-э, бор-ку кичкина, ялтирок...

— Аrimi?

— Йўғ-э! Митти-митти, тилладек чараклайди, истаган тентак унга бокиши билан хаёли қочиб кетади. Мен жиддий одамман. Ҳаёл суришга асло вактим йўқ.

— Ха, юлдузларми?

— Э, топдинг, юлдуз.

— Беш юз миллион юлдуз, дегин? Нима қиласан уларни?

— Беш юз миллиону олти юз йигирма иккى минг етти юз ўттиз битта. Мен жиддий одамман, аниқликни ёқтираман.

— Хўш, шунча юлдузни нима қиласан?

— Нима қиласан, дейсанми?

— Ха.

— Хеч нарса қилмайман. Мен уларга эгалик қиласман, холос.

— Юлдузларга эгалик қиласанми?

— Ха.

— Лекин мен йўлда бир қиролни кўрдим, у...

— Қироллар хеч кимга эгалик қилолмайди. Улар факат ҳукмронлик қиласди. Бу бутунлай бошқа нарса?

— Юлдузларга эгалик қилишнинг сенга нима кераги бор?

— Бой бўлиш учун-да, нимага бўларди.

— Бой бўлишнинг нима кераги бор?

— Бой бўлиш, кимдир янги юлдузларни кашф этса, уларга ҳам эгалик қилиш учун керак.

«Буям худди бояги пиёнистага ўхшаб фикрляяпти», дея кўнглидан ўтказди Кичкина шахзода ва яна сўроқни давом эттириди:

— Юлдузларга қандай эгалик қилиш мумкин?

— Юлдузлар кимники?— деб сўради корчалон энсаси котиб.

— Билмадим. Ҳеч кимники.

— Демак, менини бўлади. Чунки мен буни биринчи бўлиб ўйлаб топдим.

— Шунинг ўзи басми?

— Албатта-да. Айтайлик, кўзадан олмос топиб олсангу эгаси бўлмаса, у сенини бўлади. Агар миянгга тўсатдан бирон-бир фикр келиб қолса, дарорв унга патент оласан: у энди бутқул сенини. Мен юлдузларга шунинг учун ҳам эгалик қиласманки, менгача хеч ким уларга эгалик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Тўғри,— деди Кичкина шахзода.— Ҳар қалай, айт-чи, сен уларни нима қиласан?

— Улар устидан ҳукмимни юргизаман,— деди корчалон.— Тинимизсан санаб турман. Бу жудаям қийин иш. Аммо мен жиддий одамман.

Бироқ Кичкина шахзодага бу изоҳ кифоя қилмади.

— Дейлик, менинг шохи рўмолчам бўлса, уни бўйнимга ўраб ўзим билан олиб кетишм мумкин,— деди у.— Мабодо, менинг бир гулим бўлса, узуб олиб кетишм мумкин. Лекин сен юлдузларни ўзинг билан бирга олиб кетолмайсан-ку!

— Тўғри, аммо мен уларни банкка қўйишим мумкин.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай қилиб: қофозга қанча юлдузим борлигини ёзиб чиқаман-да, кейин шу қофозни тортмага солиб қулфлаб қўяман.

— Бўлдими шу билан?

— Шунинг ўзи кифоя.

«Қизиғ-а!— деб ўйлади Кичкина шахзода.— Ҳатто шоирона ҳам. Аммо унчалик жиддий иш эмас».


Нима жиддий, нима ножиддий — буни Кичкина шахзода катталар сингари эмас, ўзича тушунарди.

— Менинг феруза гулим бор, уни ҳар куни эрталаб субораман,— деди у.— Учта вулқоним бор, ҳар хафтада уларни тозалаб турман. Биттаси сўнган, уни ҳам тозалайман, ҳар эҳтимолга карши. Гулимга ҳам, вулқонларимга ҳам менинг уларга эгалик қиласмандан наф бор. Юлдузларга эса сенинг эгалигиндан зифирдек ҳам наф йўқ...

Корчалон нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ жавоб тополмади. Кичкина шахзода йўлига жўнади.

«Йўқ, катталар чиндан ҳам ниҳоятда антиқа ҳалқ», дея соддалик билан кўнглидан кечирди у йўлида давом этаркан.

Бешинчи сайёра жудаям гаройиб эди. У бошқа сайёralарнинг ҳаммасидан кичкина бўлиб, сатхига бор-йўғи битта фонус чироқ билан чароғбон жойлашган эди. Кичкина шахзода, бепоён конот каърида гардек бўлиб кетган, на бирорта уй, на бирорта тирик жон бўлган бу митти сайёрада чироқ билан чароғбоннинг нима



кераги борлигига мутлақо тушуна олмади.

«Эҳтимол, бу одам ҳам тентакдир. Аммо у қирол, шухратпараст, пиёниста ва корчалон сингари тентак эмас. Ўнинг ишида, ҳар қалай, маъно бор. У фонусини ёқкан пайтда гўё яна бир юлдуз чакнагандек ёки яна бир гул очилгандек бўлади. Чироғини ўчириган пайтда эса, гўё юлдуз сўнгандек ёки гул сўлгандек бўлади. Жудаям ажойиб машгулот экан. Бу чинакамига фойдали бўлса керак, чунки гўзал ин».

Сайёранинг рўпарасига етиб келгач, у эҳтиром билан чароғбонга таъзим килди.

— Салом,— деди у.— Нега ҳозир чироғингни ўчиридинг?
— Шарт шундай,— деб жавоб берди чароғбон.— Салом.

— Қанақа шарт?

— Чирокни кечкурун ўчиришим керак. Оқшоминг хайрли бўлсин!
У шундай деб чирокни яна ёқди.
— Үндай бўлса, нега тағин ёқдинг?
— Шарт шундай,— деб тақрорлади чароғбон хорғин.
— Тушунмадим,—деди Кичкина шахзода тан олиб.
— Тушунадиган нарсанинг ўзи йўқ,— деди чароғбон.— Шарт бўлгандан кейин бажариш керак. Салом!

Шундай деб чироқни ўчириди-да, қизил катакли рўмолча билан пешонасини артиб:

— Касбим жуда оғир,— деди.— Бир пайтлар бунинг маъноси бор эди. Чирокни кечкурун ёқардим, эрталаб ўчирадим. Ихтиёrimda дам олишга бир кун, ухлашга бир кеча қоларди...

— Хўш, кейин шарт ўзгариб қолдими?

— Шарт ўзгармади,— деди чароғбон.— Ҳамма бало шунда-да! Менинг сайёрам кундан-кунга тезроқ айланмокда, шарт эса ҳамон ўша эскилигича коляпти.

— Энди нима қиласан?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Нимаям қилардим? Сайёра бир дақика ичидан тўла айланниб чиқади, нафас ростлашга бир сония ҳам фурсатим қолмайди. Чироқни ҳар дақикада ёқиб-ўчиришга мажбурман.

— Ана холос! Роса қизиқ-ку! Демак, сенинг сайёрангда куннинг узунлиги бор-йўғи бир дақика экан-да!

— Нимаси қизиқ экан бунинг,— деди чароғбон эътиroz билдириб.— Мана, ҳозир иккаламиз бир ойдан буён гаплашиб турибиз.

— Бир ойдан буён?!

— Ха-да. Ўттиз дақика. Ўттиз кун. Оқшоминг хайрли бўлсин!
У шундай деб яна чироқни ёқди.

Кичкина шахзода чароғбонга тикилиб қолди. Аҳдига содик бу одам унга ҳаммадан кўра қўпроқ ёқкан эди. Бир пайтлар ўзининг қуёш ботишини яна бир марта томоша қилиш учун курсичани нарибери сурис юрганлари ёдига тушиб кетдию бу янги дўстига ёрдам бергиси келди.

— Менга қара,— деди у чароғбонга,— бир йўли бор: сен хоҳлан пайтингда дам олишинг мумкин, факат...

— Менинг доим дам олгим келади,— деди чароғбон.

Аҳдига содик колиб ҳам дангаса бўлиш мумкин-да, ахир!

— Сенинг сайёранг шунчалик кичкинаки,— деб давом этди Кичкина шахзода,— уч ҳатлаб уни айланниб чиқишинг мумкин. Биласанми, шундай тезлик билан юришинг керакки, қуёш ҳамиша сен тарафда бўлиши лозим. Қачон дам олгинг келса, кетаверасан, кетаверасан... Шунда куннинг узунлиги сен хоҳлаганча давом этади.

— Э, бунинг фойдаси кам,— деди чароғбон.— Мен дунёда ҳамма нарсадан ҳам уйқуни яхши кўраман.

— Унда, ахволинг чатоқ,— деди Кичкина шахзода ачиниб.

— Ахволим чатоқ,— деб тасдиклади чароғбон.— Салом.

Шундай деб тағин чироқни ўчириди.

«Ана одам!— деди Кичкина шахзода ўзича, йўлида давом этаркан.— Ҳойнаҳой қирол ҳам, шухратпарасту пиёниста ҳам, корчалон ҳам ундан нафралланган бўлурди. Аммо, менимча, уларнинг орасида

энг расоси шу. Эҳтимол, факат ўзи ҳақидагина ўйламаслиги учун ҳам у шунақадир».

Кичкина шахзода аста хўрсинди.

«Мана мен дўст тутинишим мумкин бўлган одам,— деб ўйлади яна.— Лекин унинг сайёраси шу қадар кичкинаки, икки киши сигмайди...»

Бу ажойиб сайёрага бошқа бир сабаб туфайли ҳам ачинаётганини тан олмокка у ботинолмади: бу ерда йигирма тўрт соат мобайнида қуёш ботишини бир минг тўрт юз қирқ марта томоша килиш мумкин эди-да!

XV

Олтинчи сайёра аввалгисидан ўн баробар катта эди. Унда ёстикдек-ёстикдек китоблар ёзадиган чол яшарди.

— Ана буни қаранг-а! Сайёх келди!— деб хитоб қилди у Кичкина шахзодани кўриб.

Кичкина шахзода нафас ростлаш учун стол ёнига ўтириди. Бенихоя кўп ўйл юриб обдан ҷарчаган эди у!

— Каердансан?— деб сўради чол.

— Бу катта китобингиз нимаси?— деб сўради Кичкина шахзода.— Бу ерда нима килиб ўтирибсиз?

— Мен географман,— деди чол.


— Географ дегани нима?

— Бу дегани — дарёю денгизларнинг, шаҳар ва тоғларнинг, чўлу биёбонларнинг қаерда жойлашганини биладиган одам.

— Э, зўр экан!— деди Кичкина шахзода.— Чиндан ҳам, мана буни ҳакиқий иш деса арзиди!

У шундай деб географнинг сайёрасига назар ташлади. У умрида ҳеч қачон бундай катта сайёбани кўрмаган эди.

— Сайёрангиз жудаям чиройли экан,— деди у.— Айтинг-чи, океанлар борми бу ерда?



- Бунисини билмадим,— деди географ.
- Э-э,— деди Кичкина шахзода хафсаласи пир бўлиб.— Тоғ борми, тоғ?
- Билмайман,— деди географ.
- Шаҳарлар, дарёлар, саҳролар-чи?
- Буниям билмайман.
- Ахир сиз географсиз-ку!
- Бўлмаса-чи!— деди чол викор билан.— Гап шунда-да: мен сайёх эмас, географман. Менга сайёхлар жуда-жуда етишмайди. Чунки шаҳарлар, дарёю тоғлар, денгизу океанларни, чўлу биёбонларни географлар ҳисоблаб қайд этмайди. Географ — бу катта одам, унинг санғиб юришга вакти йўқ. У ўз кабинетидан чикмайди, аммо сайёҳатчиларни қабул қилиб, уларнинг ҳикояларини ёзиб олади. Агар уларнинг бирортаси қизикроқ воқеани айтиб берса, географ ҳужжат тўплаб, шу сайёхнинг бамаъни одамми ёки бетайнингини текширади.
- Нима учун?
- Чунки сайёх алдаб уйдирмаларни сўзлаган бўлса, жуғрофия дарслклари чалкашиб кетади-да. Агар у кўпроқ ичадиган бўлса, тағин ташвиш ортди, деявер.
- Нега?
- Негаки, пиёнисталарнинг кўзига ҳамма нарса иккита бўлиб кўринади. Унинг гапига ишониб, географ битта тоғни иккита деб ёзиб кўйиши мумкин.
- Мен бир одамни билардим... Ундан ёмон сайёх чиқарди,— деб кўйди Кичкина шахзода.
- Бўлса бордир. Хўш, шундай қилиб, агар сайёх бамаъни одам бўлиб чиқса, кейин унинг қашфиёти текширилади.
- Қандай текширилади? Бориб кўриб келинадими?
- Э, йўқ. Бу жудаям мураккаб иши. Шунчаки, сайёхдан қашфиётини тасдиклайдиган ашёвий далил талаб этилади, холос. Масалан, агар у улкан бир тоғни қашф этган бўлса, ундан катта-катта ҳарсанѓтошларни олиб қелиб кўрсатиши керак.— Географ бирданига ҳаяжонга тушди.— Э, айтмоқ-чи, ўзинг ҳам сайёхсан-ку! Ҳойнаҳой, тоят узокдан келгандирсан. Менга ўз сайёранг ҳакида гапириб бер!
- Географ олдиаги қалин дафтарини очди-да, қалам йўна бошлади. Сайёхларнинг ҳикоялари аввал қаламда ёзиб олинади, қашфиётини тасдиклайдиган ашёвий далил келтиргачгина, уларнинг хотираларини сиёх билан ёзиш мумкин.
- Кулогим сенда,— деди географ.
- Ҳе, менинг сайёрамда унчалик қизиқ нарса йўқ,— деди Кичкина шахзода.— У ерда ҳамма нарса ниҳоятда кичкина. Учта вулқон бор, иккитаси уйғоқ, биттаси аллақачон сўнган. Лекин билиб бўлмайди-да.
- Ҳа, билиб бўлмайди,— деб маъқуллади географ.
- Кейин, менинг бир гуллим бор.
- Гулларни ҳисобга олмаймиз,— деди географ.
- Нимага?! Ахир, у жудаям чиройли-ку!
- Чунки, гуллар эфемер саналади.
- «Эфемер»ингиз нимаси?

— Жуғрофия китоблари — дунёдаги энг қимматбаҳо китоблардир,— деб тушунтириди чол.— Улар ҳеч қачон эскирмайди. Зоро, тоғнинг ўз ўрнидан кўзғалиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ёки океанинг қуриб колиши... Биз факат мангу ва турғун нарсалар хусусидагина ёзамиз.

— Бироқ, сўнган вулқон қайтиб уйғониши мумкин-ку,— деб унинг гапини бўлди Кичкина шахзода.— «Эфемер» дегани нима ўзи?

— Вулқон уйғокми, сўнганми, буни биз, географлар учун аҳамияти йўқ,— деди географ.— Мухими шундақи, у тоғ. Тоғ эса ўзгармайди..

— «Эфемер» дегани нима?— деб тағин такрорлади Кичкина шахзода.

— Бу — ҳадемай йўқ бўладиган нарса, дегани.

— Менинг гулим ҳам ҳадемай йўқ бўладими?

— Албатта.

«Менинг феруза гулим, менинг ягона қувончим мангу эмас экан,— деб андух билан шивирлади Кичкина шахзода.— У бало-қазолардан, оғату тўғонлардан ўзини қандай асрайди? Бор-йўғи тўрттагина тикани бўлса. Мен уни ташлаб кетдим, хувиллаган сайёрамда ёлғиз ўзи қолган эди-я!»

Шундагина у тарк этилган гулига бехад ачиниб кетди, дилини русса чулғади. Аммо шу ондаёқ журъатини тўплаб:

— Энди мен қаёқка борсам экан, нима маслаҳат берасиз?— деб сўради.

— Ер деган бир сайёра бор, шунга бориб кўр,— деб жавоб берди географ.— Унинг нуфузи чакки эмас...

Кичкина шахзода йўлга тушди, аммо фикри-ёди сайёрасида қолган ёлғизгина гулда эди.

XVI

Шундай килиб, у кадамранжида қилган еттинчи сайёра Ер эди. Ер — оддий сайёralардан эмас! Бунда бир юз йигирмата кирол (негр қироллари ҳам шунга киради, албатта), етти минг географ, тўқкиз юз минг корчалон, етти ярим миллион пиёниста, уч юз ўн бир миллион шуҳратпаст, хуллас, жами икки миллиардга яқин катта одам мавжуд.

Ернинг накадар катталиги ҳақида сизга бирмунча тасаввур бермок учун шуни айтиш билангина кифояланаман: электр кашф этилгунига қадар олти китъада чароғбонларнинг тўрт юз олтмиш икки минг беш юз ўн бир кишидан иборат улкан лашкари тутиб туриларди.

Агар четдан разм солинса, бу қойилмақом бир томоша бўларди. Бу улкан лашкарнинг хатти-ҳаракатлари гўё балетдагидек аниқ бир коидага бўйсунарди. «Саҳна»га биринчи бўлиб Янги Зелландия ва Австралиядаги чароғбонлар чиқишарди. Улар чироқларини ёқиб, ухлагани кетишарди. Кейин Хитой чароғбонларининг навбати келарди. Ўз «ракси»ни адо этиб, улар ҳам парда ортига ғойиб бўлишарди. Улардан сўнг Россия ва Хиндистон чароғбонларига гал тегарди. Кейин эса — Африка ва Европа, ундан сўнг Жанубий Америка



ва ниҳоят, Шимолий Америкадаги чароғбонларнинг навбати етарди. Шу тариқа ҳеч ким ҳеч қачон адашиб кетмас, ҳамма «саҳна»га ўз вактида чикарди. Ҳа, бу чиндан ҳам қойилмақом томоша эди!

Факат, шимолий кутбдаги ягона фонусни ёқиши лозим бўлган чароғбон билан унинг Жанубий кутбдаги ҳамкасбиға ҳаммадан ҳам маза эди, иккаласи ҳам ортиқча ташвиш-тараддуғиз яшарди: улар ўз хунарини йилда икки мартағина кўрсатарди, холос.

XVII

Баъзан ҳаддан ташқари сухандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболага қиласан киши. Мана, мен ҳам чароғбонлар ҳақида сўзлайтириб, ҳақиқатга бирмунча хилоф иш тутдим. Ишқилиб, сайёрамизни яхши билмайдиганларда у ҳақда нотўғри тушунча пайдо бўлмаса бас! Аслида одамлар Ер юзида унчалик кўп жойни эгалламайди. Агар унда истикомат киладиган икки миллиард одам тўпланиб, худди митингдагидек елкама-елка турса, улар ортиқча қийналиб-нетмай, узунасига кенглиги йигирма миль келадиган майдонга бемалол жойлашган бўлур эди. Бутун инсониятни Тинч океанидаги тангадеккина оролчага ҳам сиғдириб юбориш мумкин.

Катталар, албатта, бу гапингизга ишонмайдилар. Улар ўзларини жуда кўп жойни эгаллайдиган чоғлайдилар, ўзларини худди баобаблардек баҳайбат ва улуғвор ҳисоблайдилар. Сиз шунда уларга аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқиши таклиф этинг. Бу гап уларга маъқул бўлади, ахир улар ракам деса ўлиб колишади-ку. Сиз эса бу бўлмагур арифметика билан бошингизни қотириб ётманг. Унинг сарик чақалик ҳам фойдаси йўқ. Биламан, сиз шундок ҳам менга ишонасиз.

Алкисса, Кичкина шахзода Ерга тушгач, атроф-жавонибда бирортирик жонни кўрмай, бехад ҳайрон бўлди. Ҳатто, адашиб бошқа сайёрага келиб колдиммикин, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ шу пайт

оёғи остида, кум узра кулча бўлиб ётган аллақандай кулранг нарса қўзғалиб қўйди.

- Салом,— деди Кичкина шахзода хар эҳтимолга карши.
- Салом,— деб жавоб берди илон.
- Мен қандай сайёрага келиб қолдим?
- Ерга,— деди илон.— Африкада турибсан хозир.
- Шунақами? Нима, Ерда одам яшамайдими?
- Бу жой — сахро. Сахрода хеч ким яшамайди. Аммо Ер катта. Кичкина шахзода тош устига ўтириб, осмонга тикилди.
- Қани энди, юлдузларнинг нега чараклашини билсам,— деди у ўйчан оҳангда.— Чамаси, улар, эртами-кечми ҳар ким ўз юлдузини топиб олиши учун чараклаб турса керак. Қўряпсанми, ҳув ана менинг сайёрам — шундоққина тепамизда... Аммо у қанчалар узокда, эҳ-хе!



— Чиройли сайёра экан,— деди илон.— Ерга нега келдинг, нима киласан бу ерда?

— Мен феруза гулим билан уришиб колдим,— дея икрор бўлди Кичкина шахзода.

— Э, шундай дегин...

Иккови ҳам жимиб колди.

— Одамлар қаёқда, одамлар?— деб тағин сўради ниҳоят Кичкина шахзода.— Сахрода, ҳар қалай, ўзингни ёлғиз сезаркансан киши..

— Одамлар орасида ҳам ўзингни ёлғиз сезаверасан,— деб қўйди илон.

Кичкина шахзода унга синчиклаб тикилди.

— Фалати жонивор экансан,— деди у.— Йўғонлигинг бармоқдек келмайди-ю...

— Аммо мен қиролнинг бармоғидан кўра кўпроқ қудратга эгаман,— деб эътиroz билдириди илон.

Кичкина шахзода кулимсиради:

— Наҳотки сен шу қадар қудратли бўлсанг? Лоақал панжанг ҳам йўқ-ку. Сен ҳатто саёҳат килишга ҳам ярамайсан...

— Мен сени бирорта кема элтолмайдиган олис мәнзилларга олиб кетишим мумкин,— деди илон, сўнг Кичкина шахзоданинг болдирига ҳалқа бўлиб чирмашди.— Қимгаки тегсам, уни аслига — тупрокка ҳайлантираман,— деди у.— Аммо сен юлдуздан тушиб келгансан, юлдуздек поксан...

Кичкина шахзода индамай тураверди.

— Сенга раҳмим келади,— дея давом этди илон.— Тош-метинбу заминда сен шу қадар заиф, ожизсанки... Ёдинга бўлсин, қачонки олисда қолган сайёрангни эслаб юрагинг ғуссага тўлса, мен сенга ёрдам килишим мумкин. Мен...

— Гапингни жуда яхши тушундим,— деди Кичкина шахзода.— Аммо нега доим жумбок билан сўзлайсан?

— Мен ҳамма жумбокларни ҳал этаман,— деди илон.
Иккаласи тағин жимиб колди.

XVIII

Кичкина шахзода саҳрони кесиб ўтди-ю, хеч кимни учратмади. Йўлда факат нимжонгина, рангпар бир гулга дуч келди.

— Салом,— деди Кичкина шахзода.

— Салом,— деб жавоб қайтарди гул.

— Одамлар қаёқда?— деб мулойим оҳангда сўради Кичкина шахзода.

Кунларнинг бирида ёнгинасидан ўтиб кетаётган карвонга гулнинг кўзи тушиб колган эди.

— Одамлар дейсанми? Ха-а... Улар, чамаси, бештами-олтита эди. Мен уларни кўп йил бурун кўрган эдим. Аммо уларни қаердан излаш кераклигини билмайман. Шамолдек учуб юришади, илдизи йўқ уларнинг, шунинг учун ҳам топиш кийин.

- Хайр, яхши кол,— деди Кичкина шахзода.
- Хайр,— деди гул.

XIX

Кичкина шахзода баланд тоққа чикиб борарди. Шу пайтгача у ўзининг тиззасидан келадиган учта вулқонидан бошқа бирорта тоғни кўрмаган эди. Сўнган вулқон унга курси бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабли, у ҳозир бу юксак тоғдан туриб сайёрани бошдан-оёқ кўздан кечирса бўлар, ундағи жамики одамларни ҳам кўрсам керак, деган фикрга келди. Бирок тоғ тепасига чикиб боргач, игнадек ўткир ва ингичка чўккиларгагина кўзи тушди, холос.

- Салом,— деди у хар эҳтимолга қарши.
- Салом... салом... лом...— дея акс садо янгради.
- Сиз кимсиз?— деб сўради Кичкина шахзода.
- Сиз кимсиз... кимсиз...— дея акс садо янгради яна.
- Келинглар, дўст бўлайлик, мен яккаю ёлғизман,— деди у.
- Яккаю ёлғиз... ёлғиз...— дея акс садо янгради.

«Шунчалик ҳам ғалати сайёра бўладими!— деб ўйлади Кичкина шахзода.— Яп-яланғоч, тап-тақир, ҳамма томони игна. Одамларида кувваи ҳофиза ҳам етишмас экан. Айтган гапингни такрорлашдан бошқа нарсани билмайди... Уйимда феруза гулим бор эди, у менинг кўрар кўзим, кувончим эди, у ҳамиша биринчи бўлиб сўйларди».

XX

Кичкина шахзода кум барханлари аро, коя ва музликлар аро узок кезиб юрди ва ниҳоят, йўлга тушиб олди. Хар қандай йўл эса одамзод ҳузурига элтади.

- Салом,— деди у.

Унинг қаршисида гул-чечакларга тўла бир чаманзор ястаниб ётарди.



- Салом,— деб жавоб қайтаришди гуллар.

Шунда Кичкина шахзода бу гулларнинг барчаси унинг феруза гулига ўхаш эканини пайқади.

- Тўхтант, сизлар кимсиз?— деб сўради у лол бўлиб.
- Бизлар — гулмиз,— деб жавоб беришди гуллар.
- Шунақами...— деди Кичкина шахзода бўшашиб.

Сўнг дафъатан ўзини бенихоя баҳтсиз сезди. Феруза гул унга, бутун оламда мен каби зебо санам йўқ, деб айтган эди. Мана, ҳозир пойидаги бу чаманзорда эрка гули янглиғ гулларнинг беш мингтаси ял-ял товланиб турибди!

«Агар буни кўрса, у қанчалар хафа бўларди-я!— деб ўйлади Кичкина шахзода.— Чамаси, кулгили кўринмаслик учун у зўр бериб йўтала бошлаган, ўзини ҳатто жон таслим қилаётгандек кўрсатган бўлур эди. Мен эса унинг ортидан худди беморнинг ортидан юргандек эргашиб, таскин-тасалли беришга мажбур бўлардим, акс ҳолда, мени ташвишу уятга кўйиш учун ҳам у жон таслим қиларди...»

Кейин хаёлига яна шундай фикр келди: «Мен, ўзимча дунёда танҳо гулга эгаман, деб юрардим, хеч қайда унинг тенгию ўхшаши йўқ, деб ўйлардим, ваҳолонки, у оддийгина бир гул экан. Менинг йўқ, буд-шудум ўша оддийгина гулу бўйи тиззамдан келадиган бор буд-шудум иборат эди, унинг ҳам биттаси сўнган, ким билсин, балки абадий уйғонмас... энди менинг подиюлигим колдими...»

У майса узра юзтубан тушганча, йиглаб юборди.

Худди шу пайт рўпарасида Тулки пайдо бўлди.

— Салом,— деди у.

— Салом,— деди алик олди Кичкина шаҳзода хушфөъллик билан, бироқ теварак-атрофига аланглаб, ҳеч кимни кўрмади.

— Мен бу ердаман,— деган овоз эшитилди яна.— Дарахтнинг тагидаман...

— Сен кимсан?— деб сўради Кичкина шаҳзода.— Бунчаям чиройлисан!

— Мен — Тулкиман,— деди Тулки.

— Мен билан ўйнагин,— деб ўтиндига Кичкина шаҳзода.— Билсанг, ҳозир шу қадар хафаманки...

— Сен билан ўйнаёлмайман,— деди Тулки.— Мен қўлга ўргатилмаганман.

— Э, кечирасан, бўлмаса,— деди Кичкина шаҳзода, аммо бир оз ўйланиб: «Қўлга ўргатилмаган» дегани нима?— деб сўради.



— Бу ерлик эмас экансан-да,— деди Тулки.— Нима излаб юрибсан бу жойларда?

— Одамларни изляяпман,— деди Кичкина шаҳзода.— «Қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Одамларни изляяпман дегин? Уларнинг ёнида куроли бўлади, шунни тақиб овга чиқишади. Жуда чатоқ-да, шуниси. Улар товук ҳам боқишади. Ягона маъқул иши шу уларнинг. Сен товук изламаяпсанми?

— Йўқ,— деди Кичкина шаҳзода.— Мен дўст излаб юрибман. Хўш, «қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Бу аллақачонлар унут бўлиб кетган тушунча,— деб тушунтириди Тулки.— Бу дегани — ришталар боғламоқ демакдир.

— Ришта боғламоқ?

— Худди шундай,— деди Тулки.— Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўҳшаган юз минг боланинг бирисан, холос. Ҳозирча сен менга керак эмассан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо бордюю сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб

қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона өдамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман...

— Тушунгандек бўляпман,— деди Кичкина шаҳзода.— Бир гул бор эди... чамаси, у мени қўлга ўргатган экан...

— Бўлиши мумкин,— деб тасдиклadi Тулки.— Ер юзида нималар бўлмайди, дейсан.

— Бу воеа Ерда бўлмаган,— деди Кичкина шаҳзода.

Тулки хайрон колди:

— Қаерда бўлган? Бошка сайёрадами?

— Ҳа.

— Ӯша сайёрада ҳам овчилар борми?

— Йўқ.

— Э, соз экан-ку! Товук борми?

— Йўқ.

— Бир кам дунё дегани шу экан-да!— деб хўрсинди Тулки. Аммо зум ўтмай, тағин сўз бошлади:— Ҳаётим жудаям зерикарли. Мен товукни пойлайман, одамлар эса мени пойлайди. Товукниям ҳам маси бир хил, одамниям. Шунинг учун ҳаётим мудом зерикиш билан ўтади. Агар сен мени қўлга ўргатсанг, коронги турмушимга нур кираради. Шунда сенинг оёқ товушларингни мен минглаб одам ичидан пишиб ётиби. Мен дон-дун емайман, фалла билан ишим йўқ. Буғдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайғули эканини билсанг эди! Сенинг соchlаринг ажойиб, тилларанг товланади. Агар мени қўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли буғдойзор энди менга сени эслата бошлади. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан...

Тулки жимиб қолди, Кичкина шахзодага узок термилди, ниҳоят:

— Илтимос... мени қўлга ўргатгин,— деди.

— Жоним билан ўргатардиму,— деди Кичкина шахзода,— лекин вактим зикроқ-да. Мен ҳали дўстлар ортиришим, жуда кўп нарсаларни билиб олишем керак.

— Факат қўлга ўргатилган нарсаларнигина билиб олиш мумкин,— деди Тулки.— Ҳозир одамларнинг бирор нарсани билишга вакти қолмаган. Ҳамма нарсани тайёрлигича магазиндан олишади.

келадиган бўлсанг, мени бу баҳтиёрик туйғусидан маҳрум қиласан...

Расм-русмни тўғри бажо келтириш керак.

— Расм-русм нима?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Буям аллақачон унutilган нарса,— дея тушунтирди Тулки.— У шундай бир нарсаки, у туфайли қайсиdir бир кун бошқа кунларга мутлақо ўхшамайди, у туфайли қайсиdir давр бошқа даврларга мутлақо ўхшамайди. Масалан, менинг пайимда юрадиган овчиларда шундай расм-русм бор: улар пайшанба кунлари кишилеки ойимқизлар билан кўнгилхушлик қилишади. Шунинг учун ҳам пайшанба дегани жуда ажойиб кун-да! Шу кунлари мен аста сайр қилгани чиқаман, ҳатто узумзорнинг чеккасигача бемалол бораман. Агар овчилар маълум кунларда эмас, хоҳлаган пайтларида кўнгилхушлик қилаверсалар, ҳамма кунлар бир хил бўлиб қоларди, унда мен хордик нималигини билмай ўтиб кетардим.

Шу тариқа Кичкина шахзода Тулкини қўлга ўргатди. Мана, ниҳоят айрилиқ ҷоғи ҳам етди.

— Энди сени эслаб йиғлаб юраман,— дея хўрсинди Тулки.

— Айб ўзингда,— деди Кичкина шахзода.— Сени ранжитишни сира-сира истамасдим, ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, мени қўлга ўргат, деб...

— Ха, албатта,— деди Тулки.

— Лекин йиғлайман, деяпсан-ку!

— Албатта йиғлайман-да.

— Демак, сени қўлга ўргатиб нотўғри қилибман-да.

— Йўқ,— деб бош чайқади Тулки,— бундан хафа эмасман. Эсингдами, олтин бошок ҳакида сенга айтган гапларим?— У жимиб қолди, орадан сал ўтгач, тағин қўшиб кўйди:— Ўша гулзорга яна бир марта бориб қарагин, феруза гулингнинг оламда чиндан ҳам ягона эканига ишонч ҳосил қиласан. Қайтиб келганингдан сўнг, хайрлашар ҷоғи сени яна бир сирдан оғоҳ этаман. Майли, бу сенга мендан ҳадя бўлсин.

Кичкина шахзода чаманзорга қараб кетди.

— Сизлар менинг феруза гулимга сирайм ўхшамайсизлар,— деди уларга.— Сизлар ҳали ҳеч нима эмассизлар, чунки сизларни бирор кимса қўлга ўргатган эмас, сизлар ҳам бирор кимсани қўлга ўргатган эмассизлар. Менинг Тулким ҳам аввал шундай эди, юз минглаб бошқа тулкилардан асло фарқи йўқ эди. Аммо мен у билан дўст тутиндим, энди у мен учун ёруғ оламдаги ягона тулкига айланди.

Лекин дўст сотадиган магазин йўқ-да, шунинг учун ҳам одамлар энди дўст ортиримайди. Агар дўст ортиримокчи бўлсанг, мени қўлга ўргатақол!

— Хўп, бунинг учун нима қилиш керак?— деб сўради Кичкина шахзода

— Сабр-тоқатни бир жойга йиғиши керак,— деб жавоб берди Тулки.— Даастлаб сал узокроқда, ҳув авани ердаги майсанинг устига келиб ўтирасан. Мен сенга аввал бир оз ҳадиксираб қарайман, сен бунга индамайсан, майлими? Чунки сўз бир-биримизни англашимизга халақит беради, холос. Қейин эса кун сайн аста-секин яқинроқ келиб ўтираверасан...

Эртасига Кичкина шахзода яна шу жойга келди.

— Яхиси, ҳар куни бир пайтда кела колгин,— деб илтимос килди Тулки.— Масалан, агар соат тўртда келадиган бўлсанг, мен соат учдан ўзимни баҳтиёри ҳис қила бошлайман. Муддат яқинлашган сари бу қувонч орта боради. Соат тўртда эса юрагим ҳаяжонга тўлиб шодумонлик билан тепа бошлайди. Ана шундагина мен баҳтсаодатнинг қадрини сезаман! Бордию сен ҳар куни ҳар хил вактда

Гуллар хижолатдан қип-қизариб кетишиди.

— Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўй-бўш,— деб давом этди Кичкина шахзода.— Сизларни деб одамнинг қурбон бўлгиси келмайди. Албатта, феруза гулимга тасодифан кўзи тушиб колган ўткинчи уни сўзсиз сизларга ўхшайди, деб айтиши мумкин. Аммо унинг ёлғиз ўзи менга сизларнинг барчангиздан кўра қадрлироқ. Чунки мен ҳар куни сизларни эмас, уни суғорганман-да. Парда тортиб, шиша қалпок тутиб сизларни эмас, уни изғирину совуклардан асраб-авайлаганман. Уни деб, капалаклар тезроқ очилиб чиқиб у билан ўйнасан, деб ғумбаклар олиб келганман. Мен унинг арзу додини ҳам, нозу фироғини ҳам эшитганман, ҳатто сукутга чўумган чоғларида ҳам кўнглини сезиб турганман. У — менини, у менинг ёлғизим, ягонам...

Шундан сўнг Кичкина шахзода Тулкининг ёнига қайтиб келди:

— Хайр, яхши қол...— деди у.

— Хайр, яхши бор,— деди Тулки.— Мана сенга айтмоқчи бўлган сирли гапим: факат кўнгил кўзигина очик, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан.

— Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан,— деб такрорлади Кичкина шахзода, бу ҳикматни эслаб қолиш учун.

— Гулинг сенга шунинг учун ҳам қадрлики, унга кўнглингни бергансан.

— Чунки унга кўнглимни берганман ...— деб такрорлади Кичкина шахзода яхшироқ эслаб қолиш учун.

— Одамлар бир ҳақиқатни унудилар,— деди Тулки,— аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники кўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳамиша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан.

— Феруза гулим учун жавобгарман ...— деб такрорлади Кичкина шахзода яхшироқ эслаб қолиш учун ...

XXII

— Салом,— деди Кичкина шахзода.

— Салом,— деб жавоб қилди бекат назоратчи.

— Нима қилиб турибсан бу ерда?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Йўловчиларни саралаяпман,— деди назоратчи.— Мингтамингта қилиб поездга ўтқазаман-да, бирини ўнга, иккинчисини сўлга жўнатаман.

Шу пайт ёп-ёруғ деразаларининг ойналарини ярқиратганча тезюар поезд гумбурлаб ўтиб қолди. Бекат назоратчининг дўкончаси ҳам зириллаб кетди.

— Намунча шошади бу?— деб ҳайрон бўлди Кичкина шахзода.— Шунчалик ошиқиб нимани излайди?

— Буни ҳатто машинистнинг ўзиям билмайди,— деди назоратчи. Иккинчи томонга ҳам тезюар бир поезд пишқирганча шовқин солиб ўтиб кетди.

— Бу боя ўтиб кетганга етиб олмоқчими?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Э, қаёқда,— деди назоратчи.— Вагоннинг ичида ҳозир ҳамма ё ухлаб ётибди, ё дераза олдида кўл қовуштирганча эснаб ўтирибди. Фақат болаларгина бурниларини ойнага тираб ташқарига тикилиб кетаётган бўлса керак.

— Фақат болаларгина нима излаб юрганини билади,— деди Кичкина шахзода ўзича.— Улар латта қўғирчокка ҳам юрак-бағрини бериб меҳр кўяди, шу сабабли у уларга бениҳоя қадрли бўлиб колади. Шу сабабли ҳам боладан қўғирчоги тортиб олинса, ўқсиб-ўқсиб йиғлади...

— Уларнинг бахти-да,— деди назоратчи.

XXIII

— Салом,— деди Кичкина шахзода.

— Салом,— деди савдогар.

У ташналикни босувчи, такомиллаштирилган қандайдир бир ичимлик сотиб ўтиради. Шу ичимликтан беш-олти қултум ичилса бас, кейин бир ҳафта чанков нималигини билмай юравериш мумкин.

— Буни сотишдан маъни нима?— деб сўради Кичкина шахзода.

— Бу нарса вактни жуда қаттиқ тежашга ёрдам беради,— деди савдогар.— Мутахассисларнинг хисобига караганда, шу ичимлик туфайли ҳафтасига эллик уч дақика тежаш мумкин экан.

— Хўш, ўша эллик уч дақиқада нима килинади кейин?

— Хоҳлаган ишингни қилаверасан.

«Агар менинг эллик уч дақиқа ортиқча вактим бўлса эди,— деб кўнглидан ўтказди Кичкина шахзода,— тўппа-тўғри булоқ бошига борардиму...»

XXIV

Фалокатга учраганимга роса бир ҳафта бўлган эди, ғаройиб ичимлик сотадиган савдогар ҳақида эшитгач, сўнги қултум сувимни ичиб тугатдим.

— Ҳа-а,— дедим Кичкина шахзодага қараб,— бу айтган гапларинг ҳаммаси қизик, аммо мен ҳали самолётимни тузатолганим ўйқ, мана, кўрдинг, охирги томчи сувни ҳам қуритдим, агар тўппа-тўғри булоқ бошига бориб қолсан, мен ҳам ўзимни бехад бахтиёр хисоблардим.

— Мен дўст бўлган Тулки айтардикি...

— Азизим, ҳозир тулки-пулкинг қулогимга кирмайди!

— Нега?

— Чунки ташналиктан ўлиб кетишимга кўзим етиб туриб-

ди...

У гап нимадалигини бари бир тушунмади-да, яна эътиroz билдири:

— Дўстинг бўлса яхши-да, кўркмай ўлимга ҳам бораверсанг бўлади. Мана мен Тулки билан дўст бўлганимдан шундай хурсандманки...

«Қандай даҳшатли бало хавф солиб турганини у сезмайдиям, билмайдиям. Умрида ҳеч қачон на очликни, на ташналикни кўрган. Унга куёш нурининг ўзи кифоя...»

Мен буни товуш чиқарib айтмадим, ўзимча ўйладим, холос. Бирок, Кичкина шахзода менга қаради-да, тўсатдан:

— Мен ҳам чанқадим... юр, кудук қидириб кўрамиз,— деди.

Мен ҳорғин қўл силтадим: бу поёнсиз сахрова тусмоллаб кудук излашдан нима маъно бор? Аммо бари бир йўлга тушдик.

Узок вакт бир-биришимизга чурк этмай бордик; нихоят, коронги тушиб, осмонда бирин-кетин юлдузлар чараклай бошлади. Ташналикнинг зўридан мени бир оз безгак ҳам тутмоқда эди, шу боис юлдузларни тушдагидек элас-элас кўрардим. Кичкина шахзоданинг гапи ёдимга тушиб, сўрадим:

— Демак, ташналик нималигини сен ҳам билар экансан-да?

Бирок у индамади, факат шунчаки сўзлагандек:

— Сув баъзан юракка ҳам керак бўлади...— деб қўйди.

Унинг нима демокчилигини тушунмадиму сўраб ҳам ўтирамадим — уни сўроқ қилишнинг беҳуда эканини яхши билардим.

У нихоят холдан тойиб, қумга мук чўқди. Мен ҳам ёнига оҳиста чўзилдим. Алламаҳалгача ҳеч биримиз чурк этмадик. Бир пайт у сенингина:

— Юлдузлар жудаям чиройли, чунки қаериладир гули бор, факат кўринмайди, холос,— деб колди.

— Ха, албатта,— дедим мен, ой ёғдусида товланиб ётган кум тўлқинларига тикилганча.

— Сахро ҳам чиройли...— деб қўшиб қўйди Кичкина шахзода.

Бу гап чиндан ҳам тўғри эди. Сахро менга ҳамиша ёқади. Кум барханига чиқиб ўтирасан, ҳеч нарса кўринмайди, ҳеч нарса эшиитилмайди, аммо бари бир сахро қўйнида нимадир билинрабилинмас ялтирайди...

— Биласанми, сахро нима учун яхши?— деди у.— Чунки унинг бағрида, кўз илғамас аллакаерларда булоқлар яширинган бўлади...

Хайратдан котиб қолдим. Бирданига қумлардан таралиб ётадиган сирли ёғдунинг нима эканини англадим. Бир пайтлар, ёш бола чоғимда кўхна бир уйда яшардим. Накл қилишларича, бу уйга катта бир ҳазина кўмилган экан. Равшанки, уни бирор кимса ҳеч қачон топиб ололмади, ким билсин, балки бирор кимса ҳеч қачон қидириб ҳам кўрмагандир. Аммо ўша миш-миш туфайли уй гўё тилсим қилингандек сехрли кўринарди — унинг бағрида сир пинҳон эди...

— Ха-а,— дедим оҳиста.— Юлдузми, уими, сахроми, нимаики бўлмасин, ундаги энг гўзал нарса — кўзга кўринмайдиган нарсадир.

— Дўстим Тулки билан ҳамфир экансан, жудаям хурсанд бўлдим,— деди Кичкина шахзода қувониб.

Салдан кейин у ухлаб қолди. Мен уни қўлимда кўтарганча йўлда давом этдим. Ўз-ўзимдан ҳаяжонланиб кетган эдим. Назаримда, қўлимда нафис бир ҳазинани кўтариб бораётгандек эдим. Назаримда, Ер юзида бундан кўра нозик ва нафисроқ ҳеч нарса йўқдек туюларди. Ой ёғдусида унинг бўзидек оқарган манглайига, юмуқ мижжаларига, шамолда тўзғиб ётган тилларанг кокилларига термилиб борарканман, ўзимга-ўзим, буларнинг барчаси — шунчаки кобиқ, дер эдим. Энг асосий нарсани кўз илғамайди, у сийратда, ботинда пинҳон...


Унинг хиёл очиқ лабларида табассум ўйнарди, уларга тикилиб туриб ўзимча яна шундай деб ўйладим: мана, Кичкина шахзода, беозоргина ухлаб ётибди, феруза гулига шунчалар садоқатлики, одамнинг беихтиёр кўнгли эриб кетади, гулининг ёди-хәёли, шам шуъласининг шарпасидек, уни бирон зум, ҳатто уйқусида ҳам тарк этмайди... Ва шунда мен унинг аслидагидан ҳам кўра нозикроқ эканини англадим. Ахир, шам шуъласини эҳтиёт қилиш керак — кутурган шамол уни ўчириб қўйиши мумкин...


Алқисса, шу тарика йўл юрдиму мўл юрдим ва тонг чоғи бир кудук бошига етиб бордим.

XXV

— Одамлар жон-жаҳди билан тезюарар поездларга ошиқиб нима излаётганини ўзлари ҳам билмайди,— деди Кичкина шахзода.— Шунинг учун ҳам ором нелигини билмай гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга зир югурдилар...— Хиёл ўтгач, шундай деб қўшиб қўйди:— Лекин бари беҳуда...

Биз топган бу кудук Сахрои Кабирдаги бошқа кудукларга ўхшамасди. Одатда, бу ердаги кудук қумни нари-бери ўйиб ясалган чуқурчадан иборат бўлади. Бу эса қишлоқларда учрайдиган хақиқий кудук эди. Аммо атроф-жавонибда қишлоқнинг асари ҳам йўқлиги учун мен буни тушга йўйиб қўяқолдим.





Шунда мен унинг нима излаб юрганини туйқусдан англадим!

Челакни кўтариб, аста лабига тутдим. У кўзларини юмб олган, хузур килиб обиҳаёт симирир эди. Бу чинакам бир шодиёна эди. Чунки бу оддий сув эмасди. У сахрова, юлдузлар остидаги узок саргардонликдан сўнг, чамбаракнинг ғичирлаб айланишидан сўнг, қўлларимнинг ҳаракатидан сўнг бизга мұяссар бўлган ноёб, илохий бир неъмат эди. Гўё юракка тенгсиз малҳам эди у...

— Сенинг сайёрангда,— деди Кичкина шахзода,— одамлар бир чаманзордан беш мингта гул ўстирап экану излаганини тополмас экан...

— Тополмайди,— деб маъқулладим мен.

— Ҳолбуки, улар излаган нарсани бир дона гулдан, бир қултум сувдан ҳам топиш мумкин.

— Тўғри айтасан,— деб тасдикладим яна.

Кичкина шахзода тағин ўйга чўмди:

— Афсуски, кўзлар басир. Кўнгил кўзи билан излаш лозим.

Сувдан мирикиб ичдим. Нафас олишим енгиллашди. Сахар чорги кум худди асалдек тилларанг товланади, унга тикилган сари ўзимни баҳтиёр сезардим. Чиндан ҳам, нега, недан қайғу чекай?..

— Сен ваъдангнинг устидан чикишинг керак,— деди Кичкина шахзода мулоиммик билан, тағин ёнимга келиб ўтиаркан.

— Қанака ваъда?

— Эсингдами, қўзичноғингга нўхта... бераман, деган эдинг?.. Ахир, мен ўша гулга жавобгарман-ку...

Чўнтағимдан чизган расмларимни олдим. Кичкина шахзода уларни кўздан кечираркан, кулимсиради:

— Баобаблинг худди карамга ўхшайди-я...

Мен бўлсан, баобабни боплаб чизганман, деб гердайиб юрибман-а!

— Тулкингнинг қулоғи бўлса... шохнинг ўзи! Узунлигини кара-ю!— У яна кулиб юборди.

— Бу гапинг инсофдан эмас, оғайни. Ахир, мен умримда бўғма илоннинг ичкию ташки кўринишидан бошқа нарса чизган эмасман-да.

— Майли, ҳечқиси йўқ,— деди у мени юпатиб.— Болалар шундок ҳам тушуниб олишади.

Кейин мен унинг қўзичноғига нўхта чизиб бердим. Суратни Кичкина шахзодага бердиму негадир юрагим зиркираб кетди:

— Ниманидир ўйлаб қўйғансану менга айтмаяпсан...

Бироқ у индамади.

— Биласанми,— деди ниҳоят,— эртага сизларнинг ҳузурингизга

— Ерга келганимга бир йил тўлади...— У тағин жимиб колди, бир зум ўтгач:— Мен мана шу атрофга тушган эдим....— деди. Шундай дедиую дув қизариб кетди.

Негалигини худо биладиу дилимни яна қўроғинидек ғашлик коплади. Лекин бари бир юрак ютиб сўрадим:

— Бундан чиқдикни, бир хафта аввал, иккаламиз танишган тонгда, одамзод маконидан минг-минг ҷақирим узок бу овлоқ ерларда сен ёлғиз ўзинг бежиз кезиб юрмаган экансан-да? Осмондан тушган жойингга қайтиб келаётганимидинг?

— Фалати-я,— дедим Кичкина шахзодага,— ҳаммаси тайёр — чамбарак ҳам, чекин ҳам, арқон ҳам...

У кулимсираб қўйди-да, арқонни тортиб, чамбаракни буради. Чамбарак худди шалоги чиккан чархпалакдек ғичирлаб айлана бошлади.

— Эшитяпсанми?— деб сўради Кичкина шахзода.— Қудукни үйғотиб юбордик, ана, энди хиргойи қилишга тушди...

Мен, у чарчаб колади, деб хавотирда эдим.

— Сувни ўзим тортаман,— дедим шоша-пиша,— сенинг кучинг етмайди.

Сув тўла чекин секин тортиб чиқардим-да, қудукнинг тош қирғоғига авайлаб қўйдим. Кулогимда ҳамон чамбаракнинг ғичирлаб айланиши акс садо берар, чекандаги сув оҳиста чайқалар, мавжла-рида қўёш шуъласи ўйнار эди.

— Шу сувдан ичим келяпти,— дея менга жавдираб бокди Кичкина шахзода.— Бир қултум бер...

Кичкина шахзода баттаррок қизариб кетди.

Мен энди ҳадиксираб сўрадим:

— Балки, бир йил тўлгани учун шундай қилмоқчимисан?
У яна лоладек қизарди. У бирорта саволимга жавоб бермади,
аммо қип-қизариб кетгани — «ҳа» дегани эмасми?

— Қўрқиб кетяпман... — дея сўз бошладим хўрсиниб.

Аммо у гапимни кесди:

— Ишга киришадиган вактинг бўлди. Туракол, машинангнинг
ёнига бор. Мен сени шу ерда кутаман. Эртага кечкурун қайтиб
келгин...

Аммо бари бир кўнглим тинчимади. Беихтиёр Тулкини эсладим.
Қўлга ўрганиб колганингдан кейин баъзан кўзёш тўкишга ҳам тўғри
келади.

XXVI

Кудукдан сал нарида кўхна тош кўрғоннинг вайроналари сак-
ланиб қолган эди. Эртаси окшом ишни тугатиб қайтарканман, узок-
дан Кичкина шахзоданинг чолдевор устида оёғини осилтириб ўтирга-
нини кўрдим. Якинлашгач, овозини ҳам эшидим.

— Эсиндан чиқдими? — дерди у. — Бу гап худди шу ерда бўл-
маган эди-ю, лекин...

Чамаси кимdir унга жавоб қайтармоқда эди, чунки шундай деб
эътиroz билдири:

— Тўғри, бу гап бундан роппа-роса бир йил аввал бўлган эди,
лекин бошқа жойда...

Кадамимни тезлатдим. Аммо деворнинг тагида зоғ ҳам кўрин-
масди. Бироқ Кичкина шахзода ҳамон ким биландир гаплашиб
ўтиради:

— Албатта-да. Менинг изимни кумдан осонгина топасан. Кейин
кутиб тургин, бугун кечаси мен ўша ерга келаман.

Деворнинг олдигача йигирма қадамлар чамаси қолди, лекин мен
ҳануз хеч нарсани кўрмадим.

Бир оз жимлиқдан сўнг Кичкина шахзода:


— Заҳаринг ўткирми ўзи? Ишқилиб, мени кўп кийнамайсан-
ми? — деб сўради.

Турган жойимда котиб қолдим, юрагим орқамга тортиб кетди,
бироқ ҳамон бирор нимани тушунмас эдим.

— Кетакол энди, — деди Кичкина шахзода. — Мен пастга сакра-
мокчиман.

Шунда оёқ остига карадиму икки газ нарига сапчиб тушдим!
Деворнинг шундоккина тагида, одамни чақса, ярим минутда тил
тортмай ўлдирадиган бир илон бўйинини гажак қилганча Кичкина
шахзодага тикилиб туради. Чўнтағимдаги тўппончани пайпасла-
ганча унга караб югурдим, аммо илон шарпамни сезиб, қуриб бораёт-
ган жилғадек, кум узра аста сирғалганча, билинар-билинмас оҳан-
рабо сас чикариб тошлигаро гойиб бўлди.

Роса вактида етиб келган эканман, боёкиш Кичкина шахзодамни
даст кўтариб олдим. Ранги қордек оқариб кетган эди.



— Нима қилганинг бу, болакай! — дедим нафасим тикилиб.
Нега илон билан сухбат қуриб ўтирибсан?

Шундай деб, унинг доимий ўлдоши — тилларанг шарфини
бўйнига такиб қўйдим, юз-кўзини ювиб, мажбуран сув ичирдим.
Аммо бошқа бирор нарсани сўрашга юрагим дов бермади. У менга
синчиклаб тикилди-да, бўйнимдан маҳкам кучди. Юрагининг ярадор
қушдек бетоқат типирчилаётганини яккол эшишиб туардим.

— Ниҳоят машинангни тузатиб олибсан, жудаям хурсанд бўл-
дим, — деди у. — Энди bemalol уйингга қайтишинг мумкин...

— Шошма, сен буни қаёқдан билдинг?

Чунки, барча балоларни доғда қолдириб, самолётимни тузатишга
муваффак бўлганимни айтмоқ учун эндиғина оғиз жуфтлаган
эдим-да!

У, саволимни одатдагидек жавобсиз қолдириб, шундай деди:

— Мен ҳам бугун уйимга қайтаман. — Кейин ғамгин оҳангда
қўшиб қўйди: — Лекин менинг сафарим сеникidan узокроқ... сени-
кidan кийинроқ...

Булалинг барчаси алланечук ғалати эди. Мен уни худди
гўдак боладек маҳкам бағримга босиб туардим-у, лекин, назаримда,
у гўё оғушимдан сирғалиб чиққанча бўшлиққа сингиб кетаётгандек
туюларди, уни тутиб қолишга ўзимни ортиқ кодир эмасдек хис
килардим...

У олис-олисларга ҳорғин, ўйчан термиларкан:

— Менда сенинг кўзичогинг қолади. Кутичаям. Нўхта ҳам... —
деди, дедио ғамгин қулимсираб қўйди.

Мен узок кутдим. У гўё аста-секин ўзига келаётгандек эди.

Бирор нарсадан кўрқанга ўхшайсан, болакай...

Кўркмай ҳам бўладими! Аммо у охистагина кулимсиради:

— Бугун кечкурун бундан баттар қўрқсам керак...

Муқаррар фалокат туйғуси тағин вужуд-вужудимни музлатиб, каҳаҳт қилиб ташлади. Наҳот, наҳотки, унинг жарангдор кулгисини қайта эшиитмасам? Ахир, бу кулги мен учун сахродаги покиза булоқ билан баробар-ку!

— Болакай, кулгингни соғиндим, бур кулгин...

Аммо у бунга жавобан:

— Бугун бир' йил тўлади,— деди.— Юлдузим бир йил аввал мен қулаб тушган жойга роса рўбарў келади...

— Менга қара, болакай, ахир, буларнинг барчаси — илон ҳам, юлдуз билан учрашув ҳам аҳмоқона бир туш-ку, тўғрими?

Бурок у гапимга индамади.

— Энг асосий нарса — кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса...— деди у.

— Ҳа, албатта.

— Бу ҳам худди гулга ўхшайди. Агар олис юлдузлардан бирида ўсадиган гулни яхши кўрсанг, кечаси осмонга бокиб хузур киласан. Кўз ўнгингда юлдузларнинг жами гулдек очилиб ётади...

— Албатта...

— Кечаси юлдузларга термиласан. Менинг юлдузим бенихоя кичкина, уни сенга кўрсатолмайман. Шундай бўлгани тузук. У сен учун осмон тўла юлдузининг бири бўлиб қолгани маъқул. Шунда сен осмонга бокишини яхши кўриб қоласан... Жамики юлдуз сенга ошно


митти шуъла, холос, олимларга — ечиш лозим бўлган масала, мен кўрган корчалонга эса — олтин бўлиб кўринади улар. Аммо бу одамларнинг барчаси учун юлдузлар безабон. Сенинг юлдузларнинг эса бутунлай ўзгача бўлади...

— Ўзгача дейсанми?

— Кечалари осмонга бокасану мен яшайдиган, менинг кулгим янграётган юлдузларнинг барчаси жилмайиб кулаётгандек туюлади. Ҳа, сенинг кула биладиган юлдузларнинг бўлади!

У шундай деди-ю, кулиб юборди.

— Юпанганингдан кейин эса (охир-оқибат доим юпанасан бари бир) қачондир мен билан ошна бўлганингни эслаб, юрагинг қувончга тўлади. Сен ҳамиша менинг дўстим бўлиб қоласан, ҳамиша менга қўшилиб кулишин истаб юрасан. Баъзан деразангни мана щундай ланг очиб юборасану шодумон бўлиб кетасан... Шунда дўстларинг, нега у осмонга бокиб бунчалар хурсанд бўлаётган экан, деб қаттиқ




бўлиб қолади. Кейин, мен сенга нимадир совға ҳам қилмокчиман...— У шундай деб кулиб юборди.

— Эҳ, болакай, болакай, кулгиларингни қанчалар яхши кўришимни билсанг эди!

— Сенга бермоқчи бўлган совғам ҳам мана шу-да...

— Йўғ-э?

— Хар кимнинг ўз юлдузи бор. Баъзиларга, айтайлик, сарбону сайёҳларга — улар йўл кўрсатувчи, баъзиларга эса шунчаки



хайрон бўладилар. Сен бўлса уларга: «Ҳа, ҳа, мен доимо юлдузларга бокиб хушхандон куляман!» дейсан. Улар эса сени аклдан озиб қолдимикан, деб гумон қилишади... кўрдингми, қандай чаток ҳазил бошлидим сен билан...

У яна қўнғироқдек товуш билан кулиб юборди.

— Гўё юлдузнинг ўрнига сенга бир шода жарангдор қўнғироқ совға қилгандек бўлдим...

Яна хандон ташлаб кулди, сўнг тағин жиддий тортди:

— Биласанми... бугун кечаси... йўқ, яхшиси келмай қўяқол.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

— Сенга, бирор жойим оғриётгандек... ҳатто жон бераётгандек бўлиб туюлишим ҳам мумкин. Шунақа бўлади ўзи. Келмай қўяқол, керакмас.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У нимадандир қаттиқ ташвишманд кўринарди.

— Биласанми... ҳалиги... илонни ўйлаяпман. Тағин у сени чақиб одса-я? Ахир у ёвуз ҳайвон-ку. Бирорни чакса, хузур қилади.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У бирдан хотиржам тортди:

— Ҳа, айтмокчи, унинг заҳри икки кишига етмайди...

Кечаси унинг қандай туриб кетганини сезмай қолибман. У сасиз-шарпасиз сирғалиб кетиб колган эди. Ниҳоят, уни қувиб етганида, у жадал, дадил одим отиб борарди. Мени кўриб:

— Ҳа, сенмисан...— деди, холос.

Сўнгра аста кўлимдан тутди-ю, алланимадан чўчиғандек дарров тортиб олди:

— Бекор келяпсан мен билан. Ахволимни кўриб кийналасан. Назарингда ўлаётгандек кўринаман, лекин бу ёлғон бўлади...

Мен индамай боравердим.

— Биласанми... йўлим ниҳоятда олис, жисмим эса ниҳоятда оғир. Мен уни олиб кетолмайман.

Мен индамай боравердим.

— Бу худди эски қобикни ташлагандек бир гап. Ҳеч бир қайфурдиган жойи йўқ бунинг.


Мен индамай боравердим.

Унинг бир оз руҳи тушди, аммо бари бир зўр берди:

— Мана кўрасан, жуда соз бўлади ҳали. Мен ҳам юлдузларга термиламан. Шунда жамики юлдуз ғичирлаб айланадиган чамбаракли кўхна кудук бўлиб кўринади. Ва уларнинг ҳар бири менга ичгани сув беради...

Мен индамай боравердим.

— Бир ўйлаб кўргин-а, қанчалик соз бўлади ўшанда! Сенда беш миллион қўнғироқ бўлади, менда эса — беш миллион булоқ...



У бирдан жимиб қолди — бўғзига йиги тиқилиб келди.

— Мана, етиб ҳам келдик. Қўй энди мени, бўғига ўзим борай.

Шундай дебқум узра bemажол чўқди — юрагини қўркув чулғади. Хиёл ўтгач, секингина шивирлади:

— Биласанми.. гулим... мен гулимга жавобгарман. Чунки у шунчалар заиф, ночорки! Соддалигини айтмайсанми? Ўзини химоя қилмоқка тўрттагина арзимас тиканидан бошқа нарсаси йўқ...

Мен ҳам кумга мук тушдим, оёқларимдан мадор қочиб, чалишиб кетмоқда эдим.

— Мана... тамом энди...— деди у.

Бир лахза тек қолди-ю, сўнг ўрнидан турди. Бир кадам илгари босди...

Мен эса ҳамон жойимдан қўзгалолмас эдим.

Оёқлари остида гўё сарик яшин чакнагандек бўлди, бир дақиқа котиб қолди. Йиғламади, бўзламади. Сўнг худди болта урилган дараҳтдек оҳиста кулади: на бир шарпа, на бир сас... Илло, кум зарралари тиқ этган товушни ҳам ютиб юборади-да.

XXVII

Мана, ўшандан буён олти йил ўтди... Ҳанузгача бу ҳақда бирор кимсага чурқ этиб оғиз очганим йўқ. Қайтиб келганимда, дўстларим мени тағин эсон-омон кўриб севиндилар, бирок кўнглим бениҳоя ғаш эди, сўраган одамга:

— Чарчабман шекилли...— деб қўяколардим.

Лекин, аста-секин бари бир юпана бошладим. Батамом эмас, албатта. Бирок шу нарсани яхши биламанки, у ўз сайёррасига қайтиб кетган, чунки тонг ёришгач, кум устида жасадини кўрмадим. Унинг жисми уччалик оғир ҳам эмасди-да.

Кечалари юлдузларга қулоқ тутиб ўтиришни яхши кўраман. Гўё беш миллион қўнғироқ шодумон жиринглаётгандек...

Лекин, буни қарангки, кўзичоққа нўхта чизиб берәётганимда, тасмачасини унугтан эканман. Энди Кичкина шахзода уни кўзичоққа тақа олмайди. Шу боис гоҳ-гоҳ ўзимдан сўрайман: ўёқда, дўстимнинг сайёрасида ахвол қалай экан? Тағин кўзичоқ тулни еб кўйган бўлса-я?

Баъзан эса ўзимга-ўзим; «Йўғ-э, ундаи эмасдир! Кичкина шахзода кечасилари феруза гулни шиша қалпоқ билан ёпиб кўярди, кўзичоққа ҳам кўз-қулоқ бўлиб турса керак», деб таскин бераману бирдан кувониб кетаман. Шунда юлдузлар ҳам оҳиста жилмайиб кулаётгандек туюлади.

Гоҳида эса: «Баъзан нимадир хотирдан фаромуш бўлади-ку, ахир... Унда, ҳар бало ҳам бўлиши мумкин! Борди-ю, Кичкина шахзода бир куни шиша қалпоқни эсидан чиқариб кўйса ё кўзичоқ кечаси сездирмай кутичасидан чиқиб кетиб қолса-я...» деб ўйлайман ваҳимага тушиб. Шунда осмондаги қўнғирокларим ҳам унисизгина иғлаётгандек туюлади...

Буларнинг барчаси алланечук ақл бовар этмайдиган сирли ҳодисалардир. Аминманки, сизга ҳам, Кичкина шаҳзодани яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен қаби, коинотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир кўзичоқ бизга нотаниш бир гулни еб кўйган-кўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг кўзимизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлик...

Бошингизни кўтариб, бўпоён осмонга бокинг. Сўнгра ўзингиздан: «Ўша феруза гул омон бормикан? Бордию қўзичоқ уни еб кўйган бўлса-я?» деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгинизда буткул бошқача жилвалана бошлайди...

Ва бирорта катта одам бунинг қанчалар муҳим эканини ҳеч қачон тушуна олмайди!

Бу ер, менингча, дунёдаги энг гўзал ва энг ҳасратли макон бўлса керак. Саҳронинг бу кимсасиз парчаси сал юқорида ҳам тасвирланган эди, аммо уни яхшироқ кўриб олишингиз учун яна қайтадан чизмоқчиман. Худди шу жойда Кичкина шаҳзода Ер юзида биринчи бор пайдо бўлган, кейин худди шу жойда гойиб бўлган эди. Диққат билан қараб эслаб қолинг, агар қачонлардир Африкага, саҳрога бориб қолсангиз, бу жойни танишингиз осон бўлади. Мабодо шу ердан ўтар бўлсангиз, ўтиниб сўрайман, мана шу юлдуз остида бир нафас тўхтанг! Бордию шу пайт тилларанг сочли бир бола ёнингизга келиб, кўнгироқдек товуш билан кула бошлиса, бирорта саволингизга жавоб бермаса, ўйлайманки, кимга дуч келганингизни албатта сезсангиз керак. Ўшанда, сиздан ўтиниб сўрайман, дардли дилимга юпани берши эсингиздан чиқмасин: унинг қайтиб келганини менга зудлик билан хабар қилинг.

